

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ

3-сон
(971)
2021 йил
январь

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

21. «Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 январдаги ўРҚ–668-сон Қонуни
22. «Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 январдаги ўРҚ–669-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

23. «Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт тумани ташкил этилиши муносабати билан суд тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 январдаги ПФ–6143-сон Фармони
24. «Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқи-

қот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 21 январдаги ПҚ-4960-сон қарори

Учинчи бўлим

25. «Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 январдаги 23-сон қарори
26. «Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 32-сон қарори
27. «Органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар ўрнатиш шакли ва тартиби тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 январдаги 33-сон қарори
28. «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари» отрядлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 23 январдаги 35-сон қарори

Бешинчи бўлим

29. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 18 январдаги 288-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шаклларини тўлдириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-5*)
30. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 13 январдаги 01-2021-сон «Профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг бошқа тоифаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 296-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

21 Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 24 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2021 йил 6 январда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади маданий фаолият, шунингдек маданият ташкилотлари фаолияти соҳасидаги (бундан буён матнда маданий фаолият соҳасидаги деб юритилади) муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик

Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилик ушбу Қонун ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчилигида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

ижодкор — касбий ёки нокасбий асосда (ҳаваскорлик асосида) маданий фаолиятнинг бир ёхуд бир неча йўналиши бўйича ижодий фаолият билан шуғулланувчи жисмоний шахс;

ижодий жамоа — ижодкорлардан ва бошқа мутахассислардан таркиб топган, маданий фаолиятнинг бир ёки бир неча йўналиши бўйича ижодий фаолият билан шуғулланиш учун ташкил этилган касбий ёки нокасбий жамоалар (ҳаваскорлик жамоалари);

ижодий фаолият — маданият объектларини барпо этишга, такрор-

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 январда эълон қилинган.

лашга, тарқатишга, тиклашга ёки сақлашга, шунингдек маданиятни ривожлантиришга доир фаолият;

маданий тадбирлар — маданий фаолият соҳасидаги маданий-томоша тадбирлари, маданий-маърифий, маданий-оммавий ва бошқа тадбирлар;

маданий тадбир ташкилотчиси — ташаббусига кўра маданий тадбир ўтказиладиган ва (ёки) бундай тадбирга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир ташкилий ёки молиявий ёхуд моддий таъминотни амалга оширадиган юридик ёки жисмоний шахс;

маданият ходими — ўз касбий фаолиятини маданият ташкилотларида амалга оширувчи жисмоний шахс.

4-модда. Маданий фаолият соҳасидаги асосий принциплар

Маданий фаолият соҳасидаги асосий принциплар қуйидагилардан иборат: маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятларнинг устуворлиги;

ижодий фаолият эркинлиги;

миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш;

маданиятлар хилма-хиллиги;

маданиятлараро муносабатларда тенг ҳуқуқлилиги;

маданий фаолият соҳасидаги таълим ва тарбиянинг тизимлилиги, илмийлиги ҳамда узлуксизлиги.

2-боб. Маданий фаолият соҳасини тартибга солиш

5-модда. Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

маданиятни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

тарихий ва маданий мероснинг бут сақланишини таъминлаш, шунингдек халқ ижодиётини қўллаб-қувватлаш;

маданий фаолият соҳасига давлат-хусусий шерикликни жорий этиш;

аҳолининг маданий эҳтиёжларини қаноатлантириш ва маданий хизматлар сифатини яхшилаш;

аҳолининг, шу жумладан ёшларнинг ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш учун шарт-шароитлар яратиш ва уларни яхшилаш;

ёш истеъодларни ўқитиш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш;

маданий фаолият соҳасида зарур шарт-шароитларни ва соғлом рақобат муҳитини яратиш;

халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

6-модда. Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи органлар

Маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришни амалга оширувчи органлар қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;
Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги;
Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги;
«Ўзбеккино» Миллий агентлиги;
маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилмаган давлат органлари ва ташкилотлар маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқаришда қонунчиликка мувофиқ иштирок этади.

7-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
маданий фаолият соҳасида ягона давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлайди;

маданий фаолият соҳасидаги давлат дастурлари ишлаб чиқилишини, тасдиқланишини ва амалга оширилишини таъминлайди;

давлат маданият муассасалари ва ташкилотларини ташкил этади, қайта ташкил этади ҳамда тугатади;

концерт-томоша фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди;

давлат бошқаруви органларининг маданий фаолият соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги:

маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этилиши юзасидан мониторинг юритади, уни такомиллаштиришга доир таклифлар ишлаб чиқади;

театр, мусика, хореография, эстрада, цирк ва халқ амалий санъати ривожланишини таъминлайди;

Ўзбекистон Республикасида ва хорижий мамлакатларда касбий ҳамда ҳаваскорлик санъати фестиваллари, кўрик-танловлар, шунингдек кўрғазмалар ўтказилишини ташкил этади;

маданият ва санъат соҳасидаги юксак ютуқлар учун мукофотлар таъсис этиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонларини бериш тўғрисидаги таклифларни ишлаб чиқади ва белгиланган тартибда киритади;

маданият ва санъатни ривожлантиришга доир мақсадли дастурларни ишлаб чиқади ҳамда белгиланган тартибда тасдиқлайди;

маданият ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича чоралар кўради;

манфаатдор вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар билан бир-

галикда маданий фаолият соҳасидаги илмий тадқиқотларни ривожлантиришга кўмаклашади;

драматик, мусикали, мусикали-драматик асарларни, тасвирий ва амалий санъат асарларини ҳамда ҳайкалтарошлик асарларини яратишга доир давлат буюртмасини амалга оширади;

маданиятшуносликни, театршуносликни, санъатшуносликни, мусикашуносликни ва маданий фаолият соҳасидаги бошқа илмий йўналишларни ривожлантириш, олий таълим ташкилотларида ҳамда илмий-тадқиқот муассасаларида илмий ва илмий-педагогик кадрлар тайёрланишини такомиллаштириш юзасидан чоралар кўради;

вазирликларнинг, идораларнинг, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ва бошқа ташкилотларнинг маданият ва санъат соҳасидаги ишларини мувофиқлаштиради;

истеъдодли ёшларни ва истиқболли ижодий жамоаларни аниқлаш ҳамда қўллаб-қувватлашга доир тадбирлар мажмуини амалга оширади;

халқаро маданий алоқаларни амалга оширади ва ривожлантиради;

тармоқларга оид бадий кенгашларни ташкил этиш ва шакллантириш тартибини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Вазирликлар ва идоралар тасарруфида бўлган маданият объектларига доир қарорлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги билан келишувга кўра, қонунчиликда белгиланган тартибда қабул қилинади.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги ахборот-кутубхона фаолияти соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг ваколатлари «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

10-модда. «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги кинематография соҳасидаги махсус ваколатли давлат органидир.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги:

кинематография соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширади;

кинематография соҳасидаги давлат дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

кинематография ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиради;

кинематография соҳасига халқаро ва давлатлараро стандартларни жорий этишга доир таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фильмларни намойиш этиш, сифатли хизматлар кўрсатиш ва киножиҳозлардан техник жиҳатдан фойдаланиш қоидаларини ишлаб чиқади;

кинематография маҳсулотининг бадий ва мафкуравий даражасини ошириш бўйича чоралар кўради.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

11-модда. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маданий фаолият соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

маданий фаолият соҳасидаги ҳудудий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

тегишли ҳудудда жойлашган маданият муассасалари ва ташкилотларига кўмаклашади;

маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ҳамкорлик қилади;

маданий фаолият соҳасидаги давлат сиёсатини амалга оширишда давлат бошқаруви органларининг ҳудудий бўлинмалари билан биргаликда иштирок этади.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

12-модда. Фуқароларнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг маданий фаолиятда иштирок этиши

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:

маданий фаолият соҳасидаги дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этади;

маданий фаолият соҳасидаги давлат органлари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;

фуқароларнинг маданиятини юксалтиришга доир ишларни амалга оширишда иштирок этади;

маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликнинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бошқа тадбирларда ҳам иштирок этиши мумкин.

13-модда. Тармоқларга оид бадий кенгашлар

Тасарруфида маданият ташкилотлари бўлган давлат органлари ва ташкилотлар, шунингдек маданият ташкилотлари томонидан театр, муסיқа ва концерт фаолияти, цирк санъати ва тасвирий санъат, архитектура ва дизайн бўйича тармоқ бадий кенгашлари ташкил этилади.

Тармоқларга оид бадий кенгашлар маслаҳат органлари ҳисобланади.

Тармоқларга оид бадий кенгашлар таркибига, қоида тариқасида, таъниқли ижодкорлар, маданият ходимлари, олимлар, мутахассислар, маданият ташкилотлари ассоциацияларининг (уюшмаларининг) вакиллари кирди.

3-боб. Маданий фаолият соҳасидаги асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлар**14-модда. Фуқароларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қуйидаги ҳуқуқларга эга: маданият ютуқларидан фойдаланиш ва жамиятнинг маданий ҳаётида иштирок этиш;

ижодий жамоалар таркибида ёки мустақил равишда, касбий ёки нокасбий (ҳаваскорлик) асосда ижодий фаолият билан шуғулланиш;

ўз эҳтиёжларига, манфаатлари ва қобилиятига (имкониятларига) мувофиқ маданий фаолият йўналишларини эркин танлаш;

ўз мулкида турган маданий бойликларга қонунчиликда белгиланган тартибда эгаллик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш;

маданий-оммавий тадбирлар жараёнида қонунчиликда тақиқланмаган турли рамзлардан ва ўз фикрини ошқора ифода этишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш;

қонунчиликда белгиланган тартибда маданият объектларига бориш, Миллий музей фонди таркибига киритилган музей ашёлари ва музей коллекциялари, ахборот-кутубхона муассасалари ҳамда ахборот-кутубхона ресурслари, шунингдек архив ҳужжатлари билан танишиш.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари:

Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб асраши;

маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликка риоя этиши;

Ўзбекистон халқининг ҳамда унинг ҳудудида яшовчи бошқа миллатлар ва элатларнинг миллий маданиятини, анъаналарини ва тилини ҳурмат қилиши;

маданий-оммавий тадбирлар ва бошқа маданий тадбирлар ўтказилган жойларда жамоат тартибини сақлаши, шунингдек умум қабул қилинган одоб-ахлоқ нормаларига риоя этиши шарт.

15-модда. Чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг маданий фаолият соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари

Чет эл фуқаролари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахслар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида маданий фаолият соҳасида Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг равишда ҳуқуқлардан фойдаланади ва зиммасида мажбуриятлар бўлади.

16-модда. Маданий фаолият соҳасидаги мулк ҳуқуқи

Ҳар бир шахс маданий фаолият соҳасида мулк ҳуқуқига эга.

Мулк ҳуқуқи тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ашёларга, шунингдек моддий маданий мерос объектларига нисбатан татбиқ этилиши мумкин.

Тарихий, илмий, бадиий ёки ўзгача маданий қимматга эга бўлган ашёларни, шунингдек моддий маданий мерос объектларини олиш тартиби, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишнинг ўзига хос хусусиятлари қонунчиликда белгиланади.

17-модда. Маданий фаолият соҳасидаги муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар

Маданий фаолият соҳасида фан, адабиёт ва санъат асарларини яратиш (муаллифлик ҳуқуқи) ҳамда улардан фойдаланиш, ижролар, фонограмма-лар, эфир ёки кабель орқали эшиттириш ва намойиш этиш ташкилотларининг эшиттиришлари ҳамда кўрсатувларини яратиш ва улардан фойдаланиш (турдош ҳуқуқлар) билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатлар муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

Ижодий фаолият билан касбий ва нокасбий асосда (ҳаваскорлик асосида) шуғулланувчи ижодкорлар муаллифлик ҳуқуқи ҳамда турдош ҳуқуқлар соҳасида тенг ҳуқуқларга, шунингдек интеллектуал мулк ҳуқуқига, ўз ижодий фаолиятининг натижаларини эркин тасарруф этиш, давлат томонидан қўллаб-қувватланиш ҳуқуқига эга.

18-модда. Ижодий фаолият натижаларини олиб чиқиш ва олиб кириш ҳуқуқи

Юридик ва жисмоний шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда ўз ижодий фаолияти натижаларини кўргазмага қўйиш, оммага кўрсатишнинг бошқа шаклларида фойдаланиш, шунингдек уларни сотиш мақсадида Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш ҳуқуқига эга.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда маданий бойликларни олиб чиқиш ҳамда олиб кириш маданий бойликларни олиб чиқиш ва олиб кириш тўғрисидаги қонунчилик билан тартибга солинади.

19-модда. Ўзбекистон Республикасида яшовчи миллатлар ва элатларнинг маданиятини, урф-одатларини ҳамда анъаналарини сақлаш ва ривожлантириш

Ўзбекистон Республикасида яшовчи миллатлар ва элатлар ўз маданиятини, урф-одатларини, анъаналарини сақлаш ҳамда ривожлантириш, шунингдек ўз маданий-тарихий муҳитини тиклаш ва сақлаш ҳуқуқига эга.

4-боб. Маданий фаолият соҳасидаги айрим фаолият турларини амалга ошириш

20-модда. Маданий-оммавий тадбирлар

Аҳолини маданий тадбирларда иштирок этиш учун жалб қилишга, маданиятга эриштиришга ва аҳоли ўртасида юксак даражадаги маданиятни шакллантиришга қаратилган маданий тадбирлар маданий-оммавий тадбирлар жумласига киради.

Маданий-оммавий тадбирлар оммавий тадбирларни ўтказиш учун махсус мўлжалланган ёки мослаштирилган, ёнғинга қарши хавфсизлик, тез тиббий ёрдам кўрсатиш, эвакуация қилиш тизимларига қўйиладиган коммуникация, муҳандислик-техник ҳимоя воситалари ва бошқа воситалар ҳамда маданий-оммавий тадбирлар иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш тизимлари билан жиҳозланганликнинг ягона норматив-ҳуқуқий талабларига мувофиқ бўлган очиқ жой участкаларида, биноларда, иншоотларда ҳамда бошқа жойларда (маданий-маърифий муассасаларнинг, спорт мажмуаларининг биноларида) ўтказилиши мумкин.

Маданий-оммавий тадбирлар оммавий тадбирларни ўтказиш учун рухсатномалар мавжуд бўлган тақдирда ўтказилади.

Маданий-оммавий тадбирлар ўтказилаётган вақтда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга, шафқатсизлик ва зўравонликни тарғиб этишга, шунингдек ўзга шахсларнинг ҳуқуқларини камситишга қаратилган плакатлар, тимсоллар, транспарантлардан ва бошқа ашёлардан фойдаланиш тақиқланади.

Маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш, шунингдек оммавий тадбирларни ўтказишга доир рухсатномаларни бериш тартиби қонунчиликда белгиланади.

21-модда. Концерт-томоша фаолияти

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳамда унинг ташқарисида концерт-томоша фаолияти Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирилик берадиган концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига доир лицензия асосида жисмоний ва юридик шахслар томонидан амалга оширилади.

Концерт-томоша фаолиятини амалга оширишга доир лицензия талаблари ва шартлари жумласига қўйидагилар киради:

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш соҳасидаги қонунчиликка мажбурий равишда риоя этиш;

ижрочиларнинг қонунчиликда белгиланадиган мезонлар ва малака талабларига мувофиқ бўлиши;

жисмоний ва юридик шахслар томонидан аҳолига концерт-томоша хизматларини қонунчиликда назарда тутилган талабларга мувофиқ кўрсатиш;

концерт-томоша тадбирларида, тўйларда ва бошқа тантаналарда санъаткорнинг одоб-ахлоқ қоидаларига, сахна маданиятига ҳамда ташқи кўриниш маданиятига зид бўлган хатти-ҳаракатлар амалга оширилишини, маънавиятга салбий таъсир кўрсатадиган ҳамда томошабинларнинг ҳис-туйғуларини ҳақорат қиладиган ахлоқсизлик ғояларини тарғиб қилишни истисно этган ҳолда миллий менталитетга, миллий кадриятлар ва урф-одатларга мувофиқ бўлган қўшиқларни ҳамда улар бўйича яратилган видеоклипларни ижро этиш;

ўтказилган концерт-томоша тадбирларининг сони тўғрисида лицензияловчи органнинг ҳудудий бўлинмаларига лицензияловчи орган томонидан белгиланадиган шакл бўйича чораклик ҳисоботлар тақдим этиш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида концерт-томоша тадбирларини амалга ошириш тўғрисида лицензияловчи органни ёзма равишда хабардор қилиш;

концерт-томоша фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи учун давлат божи тўлаш.

22-модда. Ижодий жамоаларнинг ва ижрочиларнинг гастроль фаолияти

Ижодий жамоаларнинг ва алоҳида ижрочиларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги гастроль фаолияти буюртмачи билан тузилган шартнома асосида амалга оширилади.

Ижодий жамоаларнинг ва ижрочиларнинг хорижий мамлакатлар ҳудудидаги гастроллари муаллифлик ҳуқуқига ва турдош ҳуқуқларга ривож этилишини таъминлайдиган шартномалар асосида амалга оширилади.

23-модда. Ижодий буюртма

Ижодий буюртма давлат органлари ва ташкилотларининг ижодий жамоалар ёки ижодкорлар томонидан қуйидагиларни яратишга доир буюртмасидан иборатдир:

оммавий ижро этиш учун драматик, мусиқали ва мусиқали-драматик, адабий асарларни;

хайкалтарошлик, тасвирий санъат асарларини;

бадий, рассомлик, кинематографик ва театр асарларини;

Ўзбекистон халқининг кўп асрлик тарихини, миллий ва умумжаҳон кадриятларини акс эттирувчи бошқа асарларни.

Ижодий буюртмани бажарганлик учун ижодий жамоаларга ёки ижодкорларга муаллифлик ҳақини тўлаш миқдори ва тартиби қонунчиликда белгиланади.

24-модда. Халқ ижодиёти

Халқ оғзаки ижодиёти, халқ мусиқаси, халқ театри (қўғирчоқбозлик), бадий хаваскорлик халқ ижодиёти жумласига киради.

25-модда. Халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати

Жисмоний ва юридик шахсларнинг асосан қўл меҳнати усулида, анъанавий асбоб-ускуналар ҳамда мосламалардан фойдаланилган, шунингдек тегишли билимлар ҳамда кўникмалар қўлланилган ҳолда буюмлар ва асарларни яратишга доир фаолияти халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати жумласига киради.

26-модда. Ўзбекистон халқ ўйинлари

Халқ ўйинларининг миллий ва ижтимоий-маданий йўналишга эга бўлган турлари (дорбозлик, ёғоч оёқда юриш билан боғлиқ ўйинлар ва бошқалар) Ўзбекистон халқ ўйинлари жумласига киради.

5-боб. Маданий фаолиятни ташкил этиш**27-модда. Маданият ташкилотлари**

Маданий фаолият соҳасидаги фаолиятни асосий фаолият тури сифатида амалга оширувчи юридик шахс ёки юридик шахснинг таркибий бўлинмаси маданият ташкилотидир.

Маданият ташкилотлари давлат маданият муассасалари ва ташкилотлари ёки нодавлат маданият ташкилотлари шаклида ташкил этилиши мумкин.

Давлат мулкида турган мулк негизида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан ташкил этилган муассасалар ва ташкилотлар давлат маданият муассасалари ва ташкилотлари жумласига киради.

Маданий фаолият соҳасидаги фаолиятни асосий фаолият тури сифатида амалга оширувчи нодавлат ташкилотлар нодавлат маданият ташкилотлари жумласига киради.

Маданият ташкилотлари фаолиятининг турлари уларнинг муассислари томонидан белгиланади ҳамда уставда ва (ёки) бошқа таъсис ҳужжатларида кўрсатилади.

Давлат муассасалари ва маданият ташкилотлари ўзида сақланаётган маданий бойликлар тўғрисидаги ахборотни, шунингдек театр сахна асарларининг ва (ёки) ижодий дастурларнинг мавсумий репертуаридан чиқарилган аудиовизуал ёзувларни қонунчиликда белгиланган тартибда электрон ахборот ресурсларига жойлаштиради.

28-модда. Маданият ташкилотларининг асосий тоифалари

Маданият ташкилотлари маданий фаолиятнинг турларига қараб қуйидаги тоифаларга бўлинади:

- маданий-томоша ташкилотлари;
- маданий-маърифий ташкилотлар;

бошқа маданият ташкилотлари.

Фаолиятининг асосий тури сахна санъати асарларини яратишдан ва уларни омма олдида намойиш этишдан иборат бўлган маданият ташкилотлари (театрлар, филармониялар, цирклар, концерт ташкилотлари (профессионал ижодий жамоалар, мусиқий жамоалар ҳамда ансамбллар ва бошқалар), кинематография ташкилотлари ва бошқалар) маданий-томоша ташкилотлари жумласига киради.

Фаолиятининг асосий тури маданият объектларидан фойдаланишни таъминлашдан, шахснинг интеллектуал, маънавий-ахлоқий, маданий ва таълим олишга бўлган эҳтиёжларини қаноатлантиришдан, шахснинг ижодий қобилиятини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратишдан, шунингдек миллий маданиятни тиклаш ва янада ривожлантиришга кўмаклашишдан, маданий мерос объектларини сақлашдан иборат бўлган маданият ташкилотлари (маданият марказлари, миллий маданий марказлар, музейлар, бадий галереялар (кўرғазмалар), кўрғазма заллари, тарихий-маданий кўриқхоналар, маданият ва истироҳат боғлари, клуб муассасалари, маданият саройлари ҳамда уйлари, маданият ва санъат соҳасидаги таълим муассасалари, маданий-ахборот марказлари ҳамда маданий-маърифий марказлар ва бошқалар) маданий-маърифий ташкилотлар жумласига киради.

Моддий маданий мерос объектлари ва архитектура ёдгорликлари, қайта тиклаш (реставрация) марказлари, тадқиқот марказлари, ижодий устахоналар, халқ бадий ҳунармандчилиги ва амалий санъати ташкилотлари ҳамда бошқалар бошқа маданият ташкилотлари жумласига киради.

29-модда. Маданият марказлари

Давлат муассасаси шаклида ташкил этилган, аҳолининг маданий эҳтиёжларини ўрганиш, шунингдек маданий-маърифий ва кўнгилочар хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи, бадий ижод, амалий санъат ва ҳаваскорлик билан шуғулланувчи юридик шахс маданият марказидир.

Маданият марказларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат: аҳолига кўрсатиладиган маданий хизматлар сифатини яхшилаш, аҳолининг бўш вақти мазмунли ўтишини таъминлаш ва маданий эҳтиёжларини қаноатлантириш, ижодий жамоаларнинг миллий қадриятларни, урф-одатлар ва анъаналарни ўзида мужассам этган намунавий дастурларни шакллантириш;

халқ ижодиётини ва бадий ҳаваскорликни сақлаш ҳамда ривожлантириш, бадий ва амалий ижодий жамоаларни, ҳаваскорлик гуруҳларини ташкил этиш, уларнинг фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш, шунингдек ижодий жараёнларни тизимли асосда бойитиб бориш;

болаларни тўгаракларга жалб этиш, уларни чет тилларга ўқитиш, «Нутқ маданияти» курсларини ташкил этиш, халқ ижодиётининг барча жанрлари ва йўналишларини, ҳаваскорлик санъатини ва номоддий маданий меросни кенг тарғиб қилиш, шунингдек уларни асл ҳолида келажак авлодга етказиш;

адабиёт ва санъат арбоблари, профессионал ижодий гуруҳлар билан

бирга маънавий-маърифий ва маданий-оммавий тадбирларни ташкил этиш ҳамда улар иштирокида аҳоли, шу жумладан ёшлар билан ижодий учрашувлар ва суҳбатлар ўтказиш;

халқ ижодиёти ва томоша санъати танловларини, туман (шаҳар) фестивалларини ўтказиш, истеъдодли ёшларни аниқлаш ҳамда ижодкор ёшларни қўллаб-қувватлаш;

оммавий байрамлар, томошалар ҳамда халқ сайилларини ташкил этиш, юридик ва жисмоний шахслар билан тузилган шартномаларга кўра ижтимоий-маданий бўш вақтни ташкил этиш соҳасида пулли хизматлар кўрсатиш.

30-модда. Миллий маданий марказлар

Миллий маданий марказлар тилни, маданиятни, урф-одатлар ва анъаналарни, тарихий қадриятларни сақлаш ва ривожлантириш, маданий ва маънавий меросни сақлаш, миллатлараро тинчлик ва тотувликни сақлаб туриш, миллатлараро муносабатларни уйғунлаштириш, халқаро маданий алмашинувни рағбатлантириш, шунингдек халқлар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш мақсадида ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яшовчи миллатлар ва элатларнинг вакиллари бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари нодавлат нотижорат ташкилотлари шаклида миллий маданий марказларни ташкил этиши мумкин.

Миллий маданий марказлар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилигида белгиланган тартибда, чет давлатларда Ўзбекистон Республикаси томонидан ёки Ўзбекистон Республикасида чет давлатлар томонидан ташкил этилиши мумкин.

31-модда. Театр

Театр сахна асарларини (драма, мусикали драма, мусика, рақс, қўғирчоқ, пантомима, ҳажвий ва ҳазил-мутойиба сахна асарларини, болалар ва ўсмирлар учун, ёшларбоп, экспериментал ва бошқа асарларни) яратишни, оммавий ижро этишни ва (ёки) оммавий намойиш қилишни амалга оширадиган маданий-томоша ташкилотидир.

Театрнинг асосий вазифалари Ўзбекистон халқининг (Ўзбекистон Республикасида яшовчи миллатлар ва элатларнинг) театр маданиятини, миллий ўзини ўзи англашини ва тилларини сақлаш ҳамда ривожлантиришдан, шунингдек сахна асарларини яратиш, оммавий ижро этиш ва (ёки) оммавий намойиш қилишдан, мазкур йўналишда инновацион лойиҳаларни амалга оширишдан иборатдир.

Театрлар бадиий йўналишларни, репертуарни танлашда, сахна асарларини яратиш, оммавий ижро этиш ва (ёки) оммавий намойиш қилиш тўғрисида қарор қабул қилишда, шунингдек самарали ижодий жараённи ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган, қонунчиликка зид бўлмаган бошқа фаолиятни амалга оширишда эркиндир.

Сахна асарларини яратиш, оммавий ижро этиш ва (ёки) оммавий на-

мойиш қилиш учун чет эллик ижодкорлар шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

Ҳар бир сахна асарини сахналаштирувчи режиссёрнинг тавсиялари асосида давлат театри раҳбари томонидан сахналаштириш гуруҳи тузилади.

Давлат театрларида ҳар бир сахна асари оммавий ижро этиш ва (ёки) оммавий намоиш қилиш учун тайёр эканлиги тўғрисидаги қарор театрнинг бадий кенгаши тавсиясига кўра театр раҳбари томонидан қабул қилинади.

Давлат театрнинг бадий кенгаши тўғрисидаги низом ва унинг таркиби Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги томонидан тасдиқланади ҳамда камида уч йилда бир марта янгилаб турилади.

32-модда. Цирк

Цирк эстрада-цирк жанри асарларининг (акробатика, гимнастика, жонглёрлик, полвонлик, дорбозлик, қизиқчилик, фокусчилик, пантомима, олов ўйинлари, чавандозлик (от спорти тури), ҳайвонларни ўргатиш ва бошқалар) сахна томошаларини амалга оширувчи маданий-томоша ташкилотидир.

Цирклар бадий йўналишларни, репертуарни танлашда, эстрада-цирк жанри асарларини яратиш ва сахналаштириш тўғрисида қарорлар қабул қилишда, шунингдек самарали ижодий жараённи ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун зарур бўлган, қонунчиликка зид бўлмаган фаолиятни амалга оширишда эркиндир.

Циркларнинг ҳайвонларни парваришlash, ўргатиш ҳамда улар иштирокида сахна томошаларини намоиш этишга тайёрлаш бўйича фаолиятида ҳайвонларни озиқлантириш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш нормаларига, ветеринария-санитария ва зоотехника талабларига, шунингдек хавфсизлик талабларига риоя этилиши керак.

Эстрада-цирк жанридаги асарларни яратиш ва сахналаштириш учун шартнома асосида чет эллик ижодкорлар жалб этилиши мумкин.

33-модда. Концерт ташкилотлари

Концерт ташкилоти санъат асарларини оммавий ижро этишни, бадий жамоалар ва алоҳида ижрочиларнинг фаолиятини ташкил этиш билан шуғулланувчи ташкилотдир.

Концерт ташкилотларининг асосий вазифалари мусикий-эстетик жиҳатдан тарбиялаш, юксак бадий ижодий дастурларни ва алоҳида ижроларни яратиш учун шарт-шароитларни таъминлаш, профессионал бадий жамоалар ва алоҳида ижрочилар концертларини ташкил этиш, мусикий-маърифий фаолиятни амалга оширишдан иборатдир.

Концерт ташкилотлари ижодий дастурларни ва алоҳида ижроларни яратишда, репертуарни танлашда мустақилдир.

Ижодий дастурларни ва алоҳида ижроларни яратиш учун чет эллик ижодкорлар шартнома асосида жалб этилиши мумкин.

34-модда. Маданий-маърифий ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари

Маданий-маърифий ташкилотлар фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

халқ ижодиётини, халқ бадиий хунармандчилиги ва амалий санъатини, шунингдек маданий мерос объектларини сақлаш ва тарғиб қилиш;

Ўзбекистон Республикасида ўтказиладиган байрамларни, концертларни, ашула ва рақс байрамларини, тақдимотларни, фестивалларни, танловларни, халқ амалий ва тасвирий санъати кўргазмаларини ташкил этиш;

илмий-амалий, ахборот-услубий ишларни ташкил этиш;

маданий-кўнгилочар фаолиятининг ва халқ ижодиётининг илғор тажрибасини ўрганиш, умумлаштириш, оммалаштириш, татбиқ этиш ва тарқатиш;

энг яхши халқ ижодиёти жамоаларини вилоятлар, ҳудудлар, республика байрамларида, халқаро байрамларда, танловларда, фестивалларда иштирок этиш учун жалб қилиш орқали уларни оммалаштириш;

маданият ташкилотларининг ассоциацияларини (уюшмаларини), шунингдек маданиятни сақлаш ва ривожлантиришга қаратилган инновацион лойиҳаларни, маданий тадбирлар ҳамда ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

35-модда. Давлат маданият муассасалари ва ташкилотларига «Миллий» ёки «Академик» мақомини бериш

Давлат маданият муассасаларига ва ташкилотларига маданият ҳамда санъат соҳасида эришган ютуқлари учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тақдимномасига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Миллий» ёки «Академик» мақоми берилиши мумкин.

36-модда. Давлат маданият муассасалари ва ташкилотларининг аттестацияси

Давлат маданият муассасалари ва ташкилотларининг аттестацияси улар асосий фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш, моддий, меҳнат ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, уларнинг тузилмаларини тартибга солиш мақсадида уч йилда бир марта ўтказилади.

Давлат маданият муассасалари ва ташкилотларининг аттестацияси тартиби қонунчиликда белгиланади.

6-боб. Маданият ташкилотларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш. Маданият ташкилотларини ассоциацияларга (уюшмаларга) бирлаштириш**37-модда. Маданият ташкилотларини ташкил этиш**

Маданият ташкилотлари мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида ташкил этилади.

38-модда. Маданият ташкилотларини қайта ташкил этиш

Маданият ташкилотларини қайта ташкил этиш (қўшиб юбориш, бир-

лаштириш, бўлиш, ажратиб чиқариш, ўзгартириш) улар муассисларининг (иштирокчиларининг) қарорига ёки таъсис ҳужжатларида шунга ваколат берилган юридик шахс органининг қарорига кўра амалга оширилиши мумкин.

Маданият ташкилотини қайта ташкил этиш тартиби қонунчиликда белгиланади.

39-модда. Маданият ташкилотларини тугатиш

Маданият ташкилотларини тугатиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

40-модда. Маданият ташкилотларини ассоциацияларга (уюшмаларга) бирлаштириш

Маданият ташкилотлари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек умумий манфаатларни ифода этиш ва ҳимоя қилиш мақсадида ассоциациялар (уюшмалар) шаклида жамоат бирлашмалари ташкил этиши мумкин.

Маданият ташкилотлари томонидан тузилган ассоциациялар (уюшмалар) нодавлат нотижорат ташкилотлари бўлиб, улар ўз фаолиятини таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширади.

7-боб. Маданий фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорлик

41-модда. Маданий фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари

Маданий фаолият соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- халқаро маданий алмашинув;
- халқаро маданият ташкилотлари билан ҳамкорлик;
- маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш.

42-модда. Халқаро маданий алмашинув

Ўзбекистон Республикаси халқаро маданий алмашинувни ривожлантиришга кўмаклашади.

Халқаро маданий алмашинувнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- миллий маданий марказларни ташкил этиш ва ривожлантириш;
- маданият ходимларини ўқиш (тажриба орттириш) учун юбориш;
- маданият соҳасида замонавий инновацион технологияларни, техник воситаларни яратиш ва амалда жорий этиш;
- миллий урф-одатлар ва анъаналарни намоиш қилиш;
- миллий маданият кунлари, кўрик-танловлар, фестиваллар, кўргазмалар, конференциялар, адабий семинарлар, гастроллар ҳамда бошқа маданий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;
- маданият ходимлари ўртасида ўзаро тажриба алмашишни ва ҳамкорликнинг бошқа турларини йўлга қўйиш.

Халқаро маданий алмашувни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилиги билан белгиланади.

43-модда. Халқаро маданият ташкилотлари билан ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ва қонунчилигига мувофиқ халқаро маданият ташкилотларининг филиаллари ҳамда ваколатхоналари ташкил этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг маданият ташкилотлари ўз таъсис ҳужжатларида белгиланган тартибга мувофиқ халқаро маданият ташкилотларига аъзо бўлиш, чет эл фуқароларининг, фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг, шунингдек халқаро ва хорижий ташкилотларнинг хайрияларини қонунчиликда белгиланган тартибда тасарруф этиш ҳуқуқига эга.

44-модда. Маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш

Давлат маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш чораларини кўради.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар, идоралар ва муассасалар билан ҳамкорликда маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш мақсадида:

маданият ва санъатнинг барча йўналишлари бўйича халқаро кўрик-танловлар, фестиваллар ва кўргазмалар ташкил этади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ўтказиладиган халқаро кўрик-танловлар, фестиваллар ва кўргазмаларда иштирок этади;

чет давлатларда «Ўзбекистон маданияти кунлари»ни ташкил этади.

Нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳам маданият объектларини ва санъат асарларини оммалаштириш мақсадида кўрик-танловлар, фестиваллар ва кўргазмалар ташкил этиши мумкин.

8-боб. Яқунловчи қондалар

45-модда. Олис ҳудудларда маданиятни ривожлантириш

Олис ва бориш қийин бўлган жойларда маданиятни ривожлантириш, маданият ташкилотларининг фаолиятини йўлга қўйиш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, аҳолининг эстетик эҳтиёжларини қаноатлантириш ва аҳолига кўрсатилаётган маданий хизматлар сифатини яхшилаш бўйича ишларга давлат томонидан устувор аҳамият берилади.

46-модда. Маданий фаолият соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш

Маданий фаолият соҳасидаги фаолиятни молиялаштириш манбалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари;

маданият ташкилотларининг ўз маблағлари;

халқаро ва хорижий ташкилотларнинг маблағлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг (меценатларнинг) хайриялари;
қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

47-модда. Маданият ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш

Маданият ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш қонунчиликда белги-
ланган тартибда амалга оширилади.

48-модда. Маданият ходимларини рағбатлантириш

Маданиятни ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшган маданият ходим-
лари давлат мукофотлари (премиялари) билан тақдирланиши, шунингдек қонун-
чиликда назарда тутилган бошқа шаклларда рағбатлантирилиши мумкин.

49-модда. Низоларни ҳал этиш

Маданий фаолият соҳасидаги низолар қонунчиликда белгиланган тар-
тибда ҳал этилади.

**50-модда. Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари
тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жавоб-
гарлик**

Маданий фаолият ва маданият ташкилотлари тўғрисидаги қонунчиликни
бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

**51-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳия-
ти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш**

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва бошқа манфаатдор
ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда
моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

52-модда. Қонунчиликни ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини
таъминласин.

53-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 январь,
ЎРҚ–668-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

22 Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2020 йил 1 декабрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2020 йил 19 декабрда
маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 7 майда қабул қилинган «**Валютани тартибга солиш тўғрисида**»ги 841–XII-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрда қабул қилинган ЎРҚ–573-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 10, 672-модда) **9-моддасининг учинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланишига йўл қўйилмайди. Алоҳида ҳолларда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан инвестиция шартномалари доирасида жалб этиладиган чет эл инвестициялари иштирокида амалга ошириладиган лойиҳалар бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида йўл қўйилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 10 майда қабул қилинган «**Давлат-хусусий шериклик тўғрисида**»ги ЎРҚ–537-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2019 йил, № 5, 262-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

1) **1-модда:**

биринчи қисми «давлат-хусусий шериклик» деган сўзлардан кейин «шу жумладан концессиялар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Концессия лойиҳаларини рўёбга чиқариш, шунингдек концессия шартномаларини тузиш ушбу Қонунда давлат-хусусий шериклик лойиҳалари учун белгиланган тартибда амалга оширилади»;

* Ушбу Қонун «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 январда эълон қилинган.

2) **3-модданинг матни** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ушбу Қонунда куйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

давлат-хусусий шериклик — давлат шериги ва хусусий шерикнинг муайян муддатга юридик жиҳатдан расмийлаштирилган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ўз ресурсларини бирлаштиришига асосланган ҳамкорлиги;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаси — иқтисодий, ижтимоий ва инфратузилмавий вазифаларни ҳал этишга қаратилган, хусусий инвестицияларни жалб этиш ва (ёки) илғор бошқарув тажрибасини жорий этиш асосида амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси — давлат шериги ва (ёки) хусусий ташаббускор томонидан тайёрланган, давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш учун танловни асослаб берадиган, лойиҳанинг қийматини, лойиҳани молиялаштириш манбаини ҳамда рентабеллигини белгилайдиган, уни амалга оширишнинг самарадорлиги ва долзарблиги асосларини ўз ичига олган ҳужжат;

давлат-хусусий шериклик объекти — лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, етказиб берилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, модернизациялаштирилиши, эксплуатация қилиниши ва хизмат кўрсатилиши давлат-хусусий шериклик лойиҳасини рўёбга чиқариш доирасида амалга ошириладиган мол-мулк, мулкый комплекслар, ижтимоий инфратузилма, ер участкалари, шунингдек давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида жорий этилиши лозим бўлган ишлар (хизматлар) ва инновациялар;

давлат-хусусий шериклик объектидан эркин фойдаланилиши учун тўлов — давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик объектидан фойдаланиш (уни эксплуатация қилиш) ва (ёки) ушбу объектга хизмат кўрсатиш даврида ундан эркин фойдаланилишини таъминлаганлик учун хусусий шерикка давлат шериги томонидан амалга ошириладиган тўловлар;

давлат шериги — Ўзбекистон Республикаси ва (ёки) давлат бошқаруви органлари, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ваколат берилган бошқа юридик шахслар ёки уларнинг бирлашмалари;

концессия — давлат-хусусий шерикликнинг шаклларида бири бўлиб, бунда давлат хусусий шерикка концессия шартномасида назарда тутилган хўжалик фаолиятининг муайян турини амалга ошириш учун рухсатнома берган ҳолда мол-мулкни ва ер участкаларини тақдим этади;

махсус лойиҳалаштириш компанияси — тендер қолиби, захирадаги қолиб, хусусий ташаббускор ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси томонидан фақат давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган юридик шахс;

талабгор — давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ва тендерда иштирок этишдан манфаатдор бўлган, Ўзбекистон Республи-

каснинг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси;

фойдаланганлик учун тўлов — товарларни (ишларни, хизматларни) истеъмол қилувчилардан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш доирасида хусусий шерик томонидан йиғиб олинadиган тўловлар;

хусусий шерик — Ўзбекистон Республикасининг ёки чет давлатнинг қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтказилган, давлат шериги билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузган яқка тартибдаги тадбиркор, юридик шахс ёки юридик шахсларнинг бирлашмаси»;

3) 11-модда:

учинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича давлат шеригини тайинлашда ноаниқлик юзага келган ҳолларда, давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатли органнинг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг баённомасига биноан давлат шеригини белгилайди»;

қуйидаги мазмундаги **еттинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер қолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан ундириладиган бир марталик тўлов миқдорини белгилайди»;

4) 12-модданинг иккинчи қисми:

ўн тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларининг тендер ҳужжатларини ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимларнинг лойиҳаларини келишиб олади»;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўққизинчи** ва **йигирманчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш доирасида халқаро молия институтлари, халқаро ва маҳаллий консалтинг ҳамда лойиҳалаштириш ташкилотлари билан консалтинг ва аудиторлик хизматлари кўрсатиш тўғрисида музокаралар олиб боради, шунингдек белгиланган тартибда шартномалар тузади;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муваффақиятли расмийлаштирилганлиги учун тендер қолибидан ёки тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган миқдорда бир марталик тўлов ундириш тўғрисида шартнома тузади»;

5) қуйидаги мазмундаги **12¹-модда** билан тўлдирилсин:

«12¹-модда. Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг давлат-хусусий шериклик соҳасидаги ваколатлари

Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари:

давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузилиши мумкин бўлган ўз тасарруфидаги объектларни аниқлайди;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим асосида амалга оширилиши мўлжалланаётган истиқболли лойиҳаларни, ер участкаларини тегишли ҳудуднинг эҳтиёжларини ҳамда салоҳиятини инобатга олган ҳолда ўрганади ва белгилайди;

тегишли ҳудуддаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини ўз вақтида ва самарали амалга оширишга тўсқинлик қиладиган омилларни аниқлайди, уларни бартараф этиш чораларини кўради;

давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш мақсадида ер участкаларини аукцион ўтказмасдан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган муддатга ажратади»;

6) 13-модданинг:

иккинчи қисми чиқариб ташлансин;

учинчи ва **тўртинчи қисмлари** тегишинча **иккинчи** ва **учинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмидаги «Давлат шериги томонидан ваколат берилган давлат корхоналари ва (ёки) ташкилотлар» деган сўзлар «Давлат шериги томонидан ваколат берилган юридик шахслар ёки юридик шахсларнинг бирлашмалари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) 14-модда:

биринчи қисмининг бешинчи хатбошиси «хусусий шерик айби билан» деган сўзлардан кейин «давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

учинчи қисмининг тўртинчи хатбошиси «давлат шеригининг айби билан» деган сўзлардан кейин «давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

бешинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусий шерик давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ўзига берилган ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга ўтказишга ҳақли эмас, бундан ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

8) 17-модда:

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусий ташаббускор ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ дастлабки малакаладан ўтган тақдирда, давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини олган потенциал давлат шериги унинг амалга оширилишини маъқуллаш ёки рад этиш тўғрисида ўттиз календарь кун ичида қарор қабул қилади»;

бешинчи қисмининг иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«хусусий ташаббускорнинг ушбу Қонунда белгиланган талабларга жавоб бермаслиги»;

олтинчи қисмидаги «манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифини» деган сўзлар «манфаатдорлиги тўғрисида маълум қилиш таклифи»

ни, шунингдек ушбу Қонуннинг 23-моддасига мувофиқ дастлабки малака ҳужжатлари тўпламини тақдим этишга доир сўровни» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

еттинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси эълон қилинган пайтдан эътиборан қирқ беш календарь кун ичида потенциал давлат шеригига бирор-бир якка тартибдаги тадбиркор ёки юридик шахс давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан ўзининг манфаатдорлигини маълум қилмаса, потенциал давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини хусусий ташаббускор билан амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилади ва хусусий ташаббускор билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишга киришади, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини ваколатли давлат органи билан келишиб олади ҳамда давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи билан келишиб олинган кундан эътиборан олтимиш кун ичида хусусий ташаббускор ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан тендер ўтказмаган ҳолда давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади»;

қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи** ва **ўнинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Бунда давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг қийматидан қатъи назар, бир босқичли тендер ўтказилади ва тендер ўтказиш тўғрисидаги эълон оммавий ахборот воситаларига ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларига такроран жойлаштирилмасдан, ушбу Қонуннинг 23-моддасида назарда тутилган тендерга оид мезонларга жавоб берадиган талабгорларга давлат шериги томонидан тендер ҳужжатлари тўплами ўттиз кун ичида тақдим этилади. Талабгорлар томонидан талабно-маларни бериш учун сўнгги муддат тендер таклифларини тақдим этишга доир сўровда кўрсатилади ва бу муддат талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан қирқ беш кундан кам бўлмаслиги керак. Тендер комиссияси тендер ғолибини ва тендернинг захирадаги ғолибини уларнинг тендер таклифларини баҳолаш орқали аниқлайди.

Манфаатдор бўлган талабгорлардан ҳеч бири дастлабки малака ҳужжатлари тўпламини тақдим этиш тўғрисидаги сўров бўйича малака ҳужжатларини белгиланган муддатда тақдим этмаган тақдирда (хусусий ташаббускордан ташқари), тендер такроран ўтказилиши мумкин эмас ва потенциал давлат шериги хусусий ташаббускор билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказишга киришади»;

тўққизинчи қисми ўн биринчи қисм деб ҳисоблансин;

ўн биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусий ташаббускор тендер ғолиби бўлмаган тақдирда, хусусий ташаббускорга давлат-хусусий шериклик лойиҳасини тайёрлаш билан боғлиқ ҳақиқий харажатларнинг ўрни давлат-хусусий шериклик лойиҳаси умумий қийматининг бир фоизидан ошмайдиган миқдорда тендер ғолибининг ёки захирадаги ғолиби маблағлари ҳисобидан қопланади»;

9) **18-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«18-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тегишли давлат органи (ташкilotи) томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ ва ўн миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш тегишли давлат органи (ташкilotи) томонидан ваколатли давлат органи билан келишувга кўра амалга оширилади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясини тасдиқлаш, унга ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар киритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан амалга оширилади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқланганидан кейин давлат шериги давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишнинг кейинги босқичларига ўтади.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепциясига хусусий ташаббускорнинг, тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчисининг, давлат шеригининг, ваколатли давлат органининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг таклифига биноан белгиланган тартибда ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилиши мумкин»;

10) **20-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20-модда. Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги маълумотлар

Давлат-хусусий шериклик лойиҳалари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади, бундан давлат сири билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно:

лойиҳа тарафларининг номи;

лойиҳанинг фаолият йўналиши;

лойиҳанинг жойлашган ери;

лойиҳани амалга ошириш муддати;

истеъмолчиларга реализация қилинадиган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) тарифлари (мавжуд бўлган тақдирда);

лойиҳанинг умумий қиймати;

давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳажми ва турлари (мавжуд бўлган тақдирда)»;

11) **21-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат шериги тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар натижалари бўйича аниқладиган хусусий шерик билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

Тендерлар бир босқичли ёки икки босқичли бўлиши мумкин.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича бир босқичли тендер ўтказилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш чоғида тендер иштирокчиларининг тендер ҳужжатларида кўрсатилган концептуал қарор ва шартлар асосида ишлаб чиқилган батафсил техникавий ҳамда тижоратга оид (молиявий) таклифлари кўриб чиқилади ва баҳоланади. Тендерни ташкил этиш жараёнида талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади.

Бир босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

тендерда иштирок этиш учун талабгорлардан тендер таклифларини олиш;

тендерда иштирок этиш истагини билдирган талабгорларга дастлабки малака ҳужжатларини ва тендер ҳужжатлари тўпламини бериш учун сўров такдим этиш;

талабгорларнинг тендер таклифлари солинган конвертларни очиш;

тендер таклифларини баҳолаш;

тендернинг фолибини ва захирадаги фолибини аниқлаш;

тендер фолиби ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан музокаралар ўтказиш;

тендер фолиби билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Тендерда иштирок этиш учун тендер таклифларини бериш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича икки босқичли тендер ўтказилади, бундан ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

Икки босқичли тендер дастлабки малакалаш ва тендер фолибини саралаш босқичларини ўз ичига олади.

Икки босқичли тендер қуйидаги тартибда ўтказилади:

биринчи босқичда талабгорларнинг малака ҳужжатлари кўриб чиқилади ва уларнинг тендер ҳужжатларида кўрсатилган малака мезонларига мослиги баҳоланади. Талабгорлар билан тендер предметининг параметрлари бўйича музокаралар ўтказишга йўл қўйилади;

иккинчи босқичда киритилган техникавий ва тижоратга оид (молиявий) таклифлар тендер предметининг аниқлаштирилган параметрлари ҳисобга олинган, баҳо (тариф) албатта кўрсатилган ҳолда кўриб чиқилади ҳамда баҳоланади.

Икки босқичли тендерни ўтказиш тартиб-таомили қуйидагиларни ўз ичига олади:

тендер ўтказиш тўғрисидаги эълонни ва дастлабки малака ҳужжатларини беришга доир сўровни оммавий ахборот воситаларида ҳамда давлат шеригининг ва ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш;

талабгорларнинг малакасини тасдиқловчи дастлабки малака буюртмаларини йиғиш ва баҳолаш;

дастлабки малакаладан ўтган талабгорларнинг рўйхатини шакллантириш;

дастлабки малакаладан ўтган талабгорларга давлат шериги томонидан тендер ҳужжатлари тўпламини юбориш;

дастлабки малакаладан ўтган талабгорлар томонидан тендер таклифларини тақдим этиш;

дастлабки малакаладан ўтган талабгорларнинг тендер таклифлари солинган конвертларни очиш;

тендер таклифларини баҳолаш;

тендернинг қолибини ва захирадаги қолибини аниқлаш;

тендер қолиби билан музокаралар ўтказиш;

тендер қолиби ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш.

Дастлабки малакаладан иштирок этиш учун буюртмалар йиғиш муддати тендер ўтказилиши тўғрисидаги эълон берилган санадан эътиборан ўттиз календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Дастлабки малакаладан ўтказиш натижасида камида иккита талабгор малака талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Тендер қолибини танлаб олиш босқичида давлат шериги дастлабки малакаладан ўтган талабгорларга тендер таклифларини тақдим этишга доир сўровни ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини юборди.

Тендер таклифларини бериш учун охириги муддат тендер таклифларини тақдим этишга доир сўровда кўрсатилади ва у дастлабки малакаладан ўтган талабгорларга ушбу сўров юборилган санадан эътиборан қирқ беш календарь кундан кам бўлмаслиги керак.

Талабгорлардан ҳеч бири биттадан ортиқ тендер таклифини тақдим этишга ҳақли эмас. Талабгор тендер комиссиясига тендер таклифларини тақдим этиш муддати тугагунига қадар исталган вақтда тендер таклифини ўзгартириши ёки қайтариб олиши мумкин.

Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан белгиланган муддат ичида ўтказилади. Тендер таклифларини баҳолаш тендер комиссияси томонидан тендер ҳужжатларида белгиланган тендер мезонлари бўйича амалга оширилади.

Тендер иштирокчилари ёки уларнинг вакиллари тендер таклифларини баҳолашда ҳозир бўлишга ҳақли эмас. Баҳолаш жараёнида тендер комиссияси тушунтиришлар бериш, улардан қўшимча маълумотларни сўраб олиш ва тақдим этилган ҳужжатларнинг ишончлилигини тасдиқлаш учун талабгорларни чақириш ҳуқуқига эга. Тендер якунларини чиқариш чоғида тен-

дер иштирокчилари ва (ёки) уларнинг ишончли шахслари ҳозир бўлиши мумкин.

Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер таклифларини тендер талабларига номувофиқ деб топган тақдирда, тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендер ўтказишга ҳақли. Такрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

Тендер комиссияси барча талабгорларнинг тендер таклифларини тендер таклифларининг сўрови талабларига мувофиқ эмас деб топган тақдирда, шунингдек, агар дастлабки малакалашдан ўтган талабгорларнинг сони икки нафардан кам бўлса, тендер бўлиб ўтмаган деб топилади ва тендер комиссияси такрорий тендерни эълон қилишга ҳақли. Такрорий тендер уни ўтказиш тартиб-таомилида белгиланган тартибда ўтказилади.

Малака буюртмаларини ва тендер таклифларини қабул қилиш тендер ҳужжатларида кўрсатилган тартибда ҳамда ҳолларда электрон тарзда амалга оширилиши мумкин.

Талабгорларнинг тендерда иштирок этиши муносабати билан қилган харажатларининг ўрни қопланмайди, бундан ушбу Қонуннинг 17-моддасида назарда тутилган ҳоллар мустасно»;

12) 22-модда:

биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат шериги давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни тузиш ҳуқуқи учун тендер ўтказишни тартибга солувчи тендер ҳужжатларини, шунингдек давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳасини тайёрлайди ва тасдиқлайди.

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича тендер ҳужжатлари ва давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим лойиҳаси ваколатли давлат органи билан келишиб олинади»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисмининг:

тўртинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«техник-иқтисодий кўрсаткичлар самарадорлигининг умумий параметрлари ва талаблари»;

ўн биринчи — ўн тўртинчи хатбошилари қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«тендер таклифи бериладиган тилга доир талаблар;

тендер таклифининг мазмуни, тендер таклифларини бериш ва уларнинг амал қилиш усули, жойи, муддатлари;

тендер таклифига доир таъминот киритиш шартлари;

тендер таклифлари солинган конвертларни очиш тартиб-таомиллари, жойи, санаси ва вақти»;

бешинчи қисмининг учинчи жумласи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда тендер таклифларидаги ушбу ўзгартишлар ва (ёки) қўшимчалар талабгорлар томонидан ҳисобга олиниши учун давлат шериги тендер таклифларини тақдим этишнинг охириги муддатини ўн беш календарь кундан кам бўлмаган муддатга узайтиради»;

13) 23-модда:

биринчи қисми қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Тендер мезонлари аниқ бўлиши ва барча талабгорларга нисбатан камситишсиз қўлланилиши керак»;

тўртинчи қисмининг еттинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш муддати»;

14) 25-модданинг тўртинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан белгиланган ҳолларда»;

15) 26-модда қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«26-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш

Давлат шериги тендер ғолиби, тўғридан-тўғри музокаралар иштирокчиси ёки махсус лойиҳалаштириш компанияси билан ушбу Қонуннинг 17, 21 ва 25-моддаларига мувофиқ давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузади.

Агар тендер ғолиби тендер ҳужжатларида назарда тутилган муддат тугаганидан кейин давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни имзоламаса ёки тендер комиссияси томонидан тендер ғолиби тақдим этган ахборотнинг ҳақиқатга тўғри келмаслиги аниқланган тақдирда, тендер комиссияси уни дисквалификация қилиш тўғрисида қарор қабул қилади ва тендернинг захирадаги ғолибини ғолиб деб топади ҳамда унга тендер ғолибини дисквалификация қилиш ҳақида қарор қабул қилинган санадан эътиборан ўн календарь кун ичида ғолиб шартлари асосида давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузишни таклиф этади.

Захирадаги ғолиб тендер комиссиясининг қарорига мувофиқ тендер ғолибининг тендер таклифидан сўнг энг яхши тендер таклифини берган деб эътироф этилган талабгор ҳисобланади.

Тендер комиссияси томонидан тендернинг захирадаги ғолибига давлат-хусусий шериклик тўғрисида битим тузиш ҳақидаги таклиф юборилган санадан эътиборан ўттиз календарь кун ичида ундан ижобий жавоб олинмаган тақдирда, тендер комиссияси тендерни бўлиб ўтмаган деб топади ва такрорий тендер эълон қилади»;

16) 27-модда:

иккинчи қисмининг:

олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«давлат-хусусий шериклик объектининг техник-иқтисодий кўрсаткич-

ларга оид умумий параметрлари ва самарадорлик бўйича талаблар, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ ўтказилган ёки лойиҳалаштирилиши, қурилиши, барпо этилиши, молиялаштирилиши, реконструкция қилиниши, фойдаланилиши ва (ёки) хизмат кўрсатилиши лозим бўлган бошқа давлат-хусусий шериклик объектларининг тавсифи, улардан фойдаланиш мақсадлари ва муддатлари тўғрисидаги»;

ўн учинчи хатбошисидаги «даромадларнинг тақсимлиниши» деган сўзлар «даромадларнинг (фойданинг) тақсимлиниши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга белгиланган тартибда қўшимча маълумотлар киритилиши мумкин»;

17) **29-модда** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29-модда. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш

Агар қонунчиликда ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тарафларнинг келишувига кўра ёхуд суднинг қарорига биноан ўзгартирилиши, унга қўшимча киритилиши ёки у бекор қилиниши мумкин.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланган тартибда давлат шериги ва хусусий шерик томонидан мустақил равишда амалга оширилади.

Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш ваколатли давлат органи билан келишувга кўра амалга оширилади.

Умумий қиймати ўн миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган эквивалентдаги давлат-хусусий шериклик лойиҳаси бўйича давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни ўзгартириш, унга қўшимча киритиш ёки уни бекор қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишувга кўра амалга оширилади»;

18) **30-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим давлат шеригининг давлат-хусусий шериклик объектини ташкил этувчи мол-мулкни ва (ёки) давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа мол-мулкни хусусий шерикка эгаллик қилиш ва ундан фойдаланиш учун бериш мажбуриятини назарда тутиши мумкин. Бунда мол-мулкнинг берилишини таъминлаш ёки ташкил этиш давлат-хусусий шериклик тўғрисида-

ги битим ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги асосида амалга оширилади ҳамда қўшимча шартномалар ёки битимлар тузиш талаб қилинмайди.

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг мулк ҳуқуқига эга бўлган тарафлари бундай ҳуқуқларни, шу жумладан ер участкаларининг, бошқа кўчмас, шунингдек кўчар мол-мулкнинг ва номоддий активларнинг ижарасига бўлган ҳуқуқни, уларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ҳуқуқини давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган доирада, бошқа мулкый ҳуқуқлар билан бир қаторда бир-бирига бериши мумкин»;

19) **31-модданинг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат-хусусий шериклик объекти жойлашган ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган, давлат шериги ёки маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари тасарруфида бўлган ер участкалари ёки уларнинг бир қисми ўз тегишлилигига мувофиқ давлат шериги ёки маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари томонидан хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда кўрсатилган муддатга берилади.

Ер участкаси хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун аукцион ўтказмасдан берилади»;

20) **32-модданинг:**

биринчи қисмидаги «қонунга» деган сўз «давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми «тақдирда» деган сўздан кейин «давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

21) **34-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санада амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигининг ўзгартирилиши тўғридан-тўғри хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳаси доирасидаги харажатлари ошишига ёки унинг даромадлари камайишига олиб келса, хусусий шерик, амалга оширилаётган лойиҳадан келиб чиққан ҳолда, давлат-хусусий шериклик объектидан эркин фойдаланиш учун тўлов ва (ёки) фойдаланганлик учун тўлов компенсацияловчи тарзда оширилишини, шунингдек давлат шеригидан бир марталик компенсация тўловини ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга тегишли ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритилишини, агар бу давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган бўлса, талаб қилишга ҳақли.

Ушбу модданинг биринчи қисмида назарда тутилган кафолатларни қўллашга доир тартиб, шартлар, чекловлар ва истиснолар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланади.

Ушбу модда биринчи қисмининг қоидалари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилганидан кейин солиқлар ва йиғимлар ўзгартирили-

шини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ўзгарган тақдирда қўлланилмайди, бундан муайян бир давлат-хусусий шериклик лойиҳасига (лойиҳаларига) нисбатан камситувчи ўзгаришлар мустасно»;

22) 35-модда:

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кредиторлар иштирокидаги давлат-хусусий шериклик лойиҳалари доирасида кредиторлар давлат шериги ёки хусусий шерик билан тўғридан-тўғри битимлар тузиши мумкин бўлиб, уларда қуйидагилар инобатга олиниши керак:

хусусий шерик (хусусий шерик раҳбариятининг) алмаштирилиши ёки четлаштирилиши муносабати билан кредиторларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;

хусусий шерик алмаштирилган ёки четлаштирилган ҳолларда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимга мувофиқ давлат шериги томонидан хусусий шерикка тўланиши лозим бўлган тўловларни кредиторларга тўлаш мажбурияти;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимни бекор қилиш хавфини камайтиришга доир шартлар;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим муддатидан олдин тугатилганда тўланадиган тўловлар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг амалга оширилиши ҳақидаги, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари таъминланиши тўғрисидаги ахборотни алмашиш тартиби»;

иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари тегишинча **учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлар** деб ҳисоблансин;

учинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хусусий шерик ўз кредиторларига таъминотнинг ҳар қандай турини ёки шаклини тақдим этиши, шу жумладан давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим ва ушбу битимни бажариш учун тузилган битимлар бўйича ўз ҳуқуқларини, давлат-хусусий шериклик лойиҳаси таркибига кирувчи ҳуқуқларни, активларни, ер участкасидан фойдаланиш ҳуқуқларини, акциялар гаровини, ҳуқуқлар гаровини ёки ҳуқуқлардан ўзганинг фойдасига воз кечишни, мазкур битим бўйича ўзига тегишли бўлган фойдани ва суммаларни бериши мумкин»;

23) 9-бобнинг номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«9-боб. Давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш механизмлари»;

24) 38-модда қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«38-модда. Давлат-хусусий шерикликни қўллаб-қувватлаш турлари

Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим доирасида хусусий шерикнинг ва (ёки) кредиторнинг (кредиторларнинг) манфаатларини ҳимоя қилиш

мақсадида Ўзбекистон Республикаси қўллаб-қувватлашнинг қуйидаги турларини тақдим этиши мумкин:

субсидиялар, шу жумладан хусусий шерикнинг давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга оширишдан оладиган, кафолатланган энг кам даромадини таъминлашга йўналтириладиган субсидиялар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш учун зарур бўлган активлар ва мол-мулк тарзидаги қўйилмалар;

давлат-хусусий шериклик лойиҳасини амалга ошириш жараёнида ишлаб чиқарилган ёки етказиб берилган товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) муайян миқдорини ёки бир қисмини истеъмол қилганлик ёки улардан фойдаланганлик учун тўловга йўналтириладиган Ўзбекистон Республикаси бюджети тизимининг бюджетлар маблағлари;

бюджет ссудаларини, қарзларини, грантларини, кредит линияларини ва молиялаштиришнинг бошқа турларини бериш;

инвесторлар томонидан мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида ўзаро келишувга кўра қўшимча кафолатлар;

солиқ имтиёзлари ва преференциялари, шунингдек бошқа имтиёзлар; бошқа кафолатлар ва (ёки) компенсациялар.

Қўшимча кафолатлар бериш ва (ёки) қўллаб-қувватлаш Ўзбекистон Республикаси билан давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисида битим тузиш орқали ёки давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим Ўзбекистон Республикаси ва хусусий шерик ўртасида тузиладиган, хусусий шерик ва (ёки) кредиторларга қўшимча кафолатлар ҳамда қўллаб-қувватлаш чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилишини назарда тутадиган ёзма битимдир.

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларини амалга ошириш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим Ўзбекистон Республикаси номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан имзоланади.

Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битим, агар Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорида ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ушбу битимни тасдиқлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига бевосита ёки билвосита таъсир этадиган қўшимча кафолатларнинг ва (ёки) қўллаб-қувватлашнинг ҳар қандай турлари давлат-хусусий шериклик лойиҳасининг концепцияси тасдиқлангунига қадар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишиб олиниши керак.

Солиқ имтиёзлари ва преференциялари Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига назарда тутилган тартибда белгиланади.

Алоҳида ҳолларда, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар доирасида жалб этиладиган чет эл инвестициялари иштирокида амалга

ошириладиган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича Ўзбекистон Республикаси ҳудудида реализация қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) нархларининг чет эл валюталарига ва шартли бирликларга боғланишига Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари асосида йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг резиденти бўлган хусусий шерик давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда ва (ёки) давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги битимда назарда тутилган мақсадларда хорижда банк ҳисобварақларини очишга ҳақли»;

25) **39-модданинг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда тўловларни амалга ошириш шартлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, эркин фойдаланиш учун тўлов, фойдаланганлик учун тўлов, хусусий шерикнинг давлат шеригига тўлови ва (ёки) бошқа тўловлар, хусусан давлат-хусусий шериклик лойиҳаси амалга оширилиши муносабати билан даромадларни (фойдани) тақсимлаш шартлари назарда тутилиши мумкин».

3-модда. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «**Концессиялар тўғрисида**»ги 110–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 185-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган «**Концессиялар тўғрисида**»ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**»ги 111–I-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 186-модда);

3) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган «**Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**»ги ЎРҚ–197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **11-моддаси**;

4) Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 14 сентябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**»ги ЎРҚ–446-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2017 йил, № 9, 510-модда) **23-моддаси**.

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли орасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

хукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-
ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини
таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан куч-
га киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 январь,
ЎРҚ-669-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

23 Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт тумани ташкил этилиши муносабати билан суд тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида*

Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри чегараларининг ўзгартирилиши ҳамда Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт тумани ташкил этилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси «Судлар тўғрисида»ги Қонунининг 78-моддасига асосан:

1. Тошкент шаҳрида Жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман суди ташкил этилсин.

2. Тошкент шаҳар Янгиҳаёт тумани Фуқаролик ишлари бўйича Яққасарой туманлараро суди, Тошкент туманлараро иқтисодий суди ва Тошкент туманлараро маъмурий судининг юрисдикция ҳудудига киритилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди ва Молия вазирлигининг Жиноят ишлари бўйича Сирғали, Мирзо Улуғбек туман (Тошкент шаҳри) ҳамда Каттакўрғон шаҳар (Самарқанд вилояти) судларининг биттадан судья ва биттадан судья ёрдамчиси штат бирликларини Жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судига ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

4. Молия вазирлиги Олий суд билан биргаликда икки ҳафта муддатда тегишли судларнинг штатлар жадвалига ўзгартиришлар киритсин.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Олий суд билан биргаликда икки ой муддатда янгидан ташкил этилаётган Жиноят ишлари бўйича Янгиҳаёт туман судининг жойлаштирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига иловага мувофиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Р.Р. Иноятов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 20 январь,
ПФ-6143-сон

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 21 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 20 январдаги
ПФ–6143-сон Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган қўшимча ва ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 20 февралдаги «Умумий юрисдикция судларининг айримларини тугатиш ва қайта ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ–3400-сон Фармониغا 7-илованинг «Тошкент шаҳри» бўлими «Сирғали» сўзидан кейин «Янгиҳаёт» сўзи билан тўлдирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 21 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси суд тизими тузилмасини тубдан такомиллаштириш ва фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–4966-сон Фармони 9-бандида:

тўртинчи хатбошидаги «837» рақами «835» рақами билан алмаштирилсин;

саккизинчи хатбошидаги «970» рақами «972» рақами билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 июлдаги «Судҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳокимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–5482-сон Фармони 5-бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи — олтинчи хатбошилар тегишинча иккинчи — бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги «Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ–6034-сон Фармонида:

2-иловадаги «837» рақами «835» рақами билан алмаштирилсин;

6-иловадаги «970» рақами «972» рақами билан алмаштирилсин;

10 ва 11-иловаларнинг «Тошкент шаҳри» бўлимлари «Сирғали тумани» сўзларидан кейин «Янгиҳаёт тумани» сўзлари билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**24 Ўрмон хўжалиги соҳасида илм-фанни ривожлантириш ва илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида***

Ўзбекистон Республикасида ўрмон хўжалиги тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини амалга ошириш, ўрмон хўжалигида илм-фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, илмий-тадқиқот ишларини рағбатлантириш ҳамда халқаро стандартлар даражасига мос илғор хорижий тажрибага эга бўлган кадрларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2021 йил 1 февралдан:

а) ўрмон хўжалиги соҳасида кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, хорижий стажировкаларни тизимли ташкил этиш, инновацион ишланмаларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати тузилмасида 4 та штат бирлигидан иборат Илмий ташкилотлар фаолияти ва инновацияларни жорий этишни мувофиқлаштириш бошқармасини;

пистачиликни ривожлантириш, пистанинг янги ва серҳосил нав ҳамда шакллари танлаш, районлаштириш, пистачилик бўйича ўрмончилар, фермер ва деҳқон хўжаликлари учун семинар, тренинг ва бошқа тадбирлар ташкил этиш мақсадида Жиззах давлат ўрмон хўжалиги Ғаллаорол бўлимининг «Оқтош» участкасидаги оналик писта плантациялари негизида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ҳузурида давлат муассасаси шаклидаги Пистачилик илмий-тажриба станциясини ташкил этиш;

ўрмон тадбирларининг технологик хариталарини ишлаб чиқиш ва ўрмон амалиётига жорий этишни таъминлаш мақсадида Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тузилмасида Ўрмон иқтисодиёти бўлимини;

б) ўрмон уруғчилигини ривожлантириш, ўрмон ўсимликлари уруғлари таҳлилини илмий-тадқиқот ишлари билан мувофиқлаштириш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказини тугатиш ҳамда унинг моддий-техник базасини сақлаган ҳолда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтига бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

Белгилансинки, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппарати ҳамда Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тузилмасига киритилаётган ўзгартиришлар Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказини тугатиш натижасида бўшаётган штат birlikлари ҳамда

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 22 январда эълон қилинган.

Жиззах давлат ўрмон хўжалиги штат бирликларини мақбуллаштириш ҳисобига амалга оширилади.

2. Белгилаб қўйилсинки, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти тугатилаётган Ўрмон ва доривор ўсимликлар уруғчилигини таҳлил қилиш марказининг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва шартномалари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

3. Ўрмон хўжалиги соҳасидаги лойиҳа-қидирув ишлари сифати ва самарадорлигини ошириш, ўрмон хўжалиги тадбирларини мунтазам лойиҳа ҳужжатлари асосида ташкил этиш мақсадида Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси тизимидаги «Ўрмонлоиҳа» давлат унитар корхонаси негизида давлат муассасаси шаклидаги «Ўрмонлоиҳа» лойиҳалаш институти ташкил этилсин.

4. Қўйидагилар «Ўрмонлоиҳа» лойиҳалаш институтининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

давлат ўрмон фонди ер майдонларида ўрмон тузиш, лойиҳа-қидирув ишларини бажариш, ўрмон таксациясини ишлаб чиқиш, давлат ўрмон фондини хатловдан ўтказиш, ўрмон хўжаликларининг ишлаб чиқариш режаларини лойиҳалаш;

шаҳар ва бошқа аҳоли яшаш пунктлари атрофини, автомобиль ва темир йўллар ёқасини кўкаламзорлаштириш ишларининг лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

инновацион технологиялар асосида (дронлар, GPS навигаторлар ва бошқалар ёрдамида) давлат ўрмон хўжаликлари ер майдонлари чегараларини, ер тоифаларини аниқлаш ва уларнинг хариталари, электрон маълумотлар базасини шакллантириш;

ўрмонларнинг давлат ҳисобини ва мониторингини юритиш, уларнинг ахборот-ресурс фондини яратиш;

Орол ва Оролбўйи минтақасида, шунингдек, республиканинг бошқа ҳудудларида чўлланишнинг олдини олиш ҳамда эрозияга қарши курашиш мақсадида ўрмонзорлар барпо этиш учун лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш;

ўрмончилик соҳасидаги нуфузли халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда замонавий технологиялар асосида геоахборот тизимларини ўрмон тузиш, мониторинг ва лойиҳалаш ишларига жорий этиш;

мелиорация объектлари атрофида ҳамда қишлоқ хўжалиги ерларида ҳосилдорликни оширишга йўналтирилган шамол ва сув эрозияларидан ҳимоялаш учун ихота дарахтзорларини барпо этиш лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш.

5. Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан бошлаб, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг Ўрмон хўжалигини ривожлантириш жамғармаси умумий тушумларининг 5 фоизи Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти ва унинг тизимидаги илмий ташкилотлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

7. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг раиси Н.Ж. Бакиров белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан 2021 йил 1 июнь ва 2022 йил 1 январга қадар Ўзбекистон Республикаси Президентига ахборот берилсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2021 йил 21 январь,
ПҚ-4960-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2021 йил 21 январдаги
ПҚ-4960-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2966-сон қарорида:

а) 2-банднинг тўртинчи хатбошисидаги «82» рақами «86» рақами билан алмаштирилсин;

б) 5-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси марказий аппаратини — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Жамғарма маблағлари;

Қорақалпоғистон Республикаси Ўрмон хўжалиги қўмитаси, вилоятлар ўрмон хўжалиги бошқармаларини — Жамғарма маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

Миллий табиат боғлари ва овчилик хўжаликлари бошқармасини, Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш илмий-ишлаб чиқариш марказини, Ўрмон хўжалиги техникумини — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари, Жамғарма маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

Миллий табиат боғлари, давлат ўрмон хўжаликлари, давлат ўрмон ишлаб чиқариш корхоналари, доривор ўсимликларни етиштириш бўйича

ихтисослаштирилган давлат ўрмон хўжаликлари, давлат ўрмон-овчилик хўжаликлари, илмий-тажриба станцияларини — Қорақалпоғистон Республикаси республика бюджети, вилоятлар маҳаллий бюджетлари, Жамғарма маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтини, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институтининг Андижон филиали, Чўл ҳудудларида ўрмончиликни ривожлантириш илмий маркази, Ўрмон хўжалигини ривожлантириш инновация марказини — Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари, Жамғарма маблағлари, грантлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар;

«Ўрмонлойиха» лойиҳалаш институтини, «Ўрмонқурилиш» давлат унитар корхонасини, «Ўрмонтехносервис» давлат унитар корхонасини — бюджетдан ташқари маблағлар молиялаштириш манбалари этиб белгилансин.»;

в) 1-иловининг матни* қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

г) 1а-иловининг матни* қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

д) 2-иловининг матни* қуйидаги таҳрирда баён этилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги «Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4247-сон қарорига 3-иловининг 1-банди «б», «в», «г», «д», «е» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 августдаги «Республикада ўрмонлардан фойдаланиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4424-сон қарориди:

а) 12-банднинг «а» кичик бандида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи хатбоши иккинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

б) 8-иловада:

1-банднинг «а» — «д» кичик бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

5-банд «б» кичик бандининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи хатбошилари чиқариб ташлансин.

* 1-2-иловаларнинг матни «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

25 Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида*

Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган вақт ичида ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, мамлакатимиз истиқболи учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир, ташаббускор, шижоатли ёшларни тарбиялаш борасида алоҳида тизим яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги, Олий Мажлис палаталари ҳузурида Ёшлар парламентлари, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси ташкил қилинди. Худудларда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади.

Ёш авлоднинг соғлом ўсиши, сифатли таълим олиши ва баркамол шахс бўлиб вояга етишини таъминлаш, шунингдек, ёшларнинг маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китоб ўқишга бўлган қизиқишини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган «беш муҳим ташаббус»ни жорий этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Юртимизда ташкил этилаётган янги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлири, нуфузли хорижий университетларнинг филиаллари, замонавий IT-парклар, маданият муассасалари ва спорт иншоотлари, мутлақо янги намунадаги таълим масканлари — «Президент мактаблари», «Темурбеклар мактаби», «Ижод мактаблари» бугунги глобаллашув шароитида рақобатга қодир бўлган етук кадрларнинг янги авлодини тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йил мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили» деб эълон қилинди.

Ёшлар соҳасидаги муаммоларга самарали ечимлар ишлаб чиқиш, шунингдек, мамлакатимизда 2020 йил декабрь ойида ташкил этилган Ўзбекистон ёшлари форумида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга ва халқимизга Мурожаатномасида қайд этилган ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 январда эълон қилинган.

билан боғлиқ вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

а) қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ:

ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

мамлакатда хавфсизлик, экологик барқарорлик, адолат ва тенг ҳуқуқликни таъминлашда ёшларнинг ролини ошириш;

ёшлар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, улар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;

таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;

ёшларни она Ватанга, оилага, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

ёшларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш ва уларнинг меҳнатга оид қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилиш орқали уларнинг иқтисодий ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш;

ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган «беш муҳим ташаббус»ни амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор ёшлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланган, етим болалар, боқувчини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш;

салоҳиятли ёш кадрларни қўллаб-қувватлаш ва давлат фуқаролик хизматида тайёрлаш, уларнинг меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш;

ёш хотин-қизларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада оширишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларнинг ғоя, таклиф ва ташаббусларини рўёбга чиқариш мақсадида ёшлар жамоат ташкилотлари ҳамда волонтерлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш;

хориждаги ватандошлар билан ишлаш, халқаро ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва халқаро доирада тажриба алмашиш тизимини янада такомиллаштириш;

б) Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепциясини 2021-2022 йилларда амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси» (кейинги ўринларда — «Йўл харитаси») 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Белгилансинки, Концепция эришилган натижалардан келиб чиққан ҳолда, 2023 йилдан бошлаб ҳар йили тасдиқланадиган тегишли «Йўл хариталари» асосида босқичма-босқич амалга оширилади.

2. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги вазирлик ва идоралар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

2022 йилдан бошлаб ҳар йили 1 декабрга қадар тегишли «Йўл харитаси» бажарилиши яқунларини батафсил ўрганиш асосида кейинги йил учун «Йўл харитаси»ни ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

тегишли «Йўл хариталари»нинг бажарилиши устидан доимий мониторинг олиб борсин.

3. Ушбу қарорда назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш манбалари этиб қўйидагилар белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;
жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳомийлик хайриялари;
халқаро молия ташкилотлари, хорижий давлатлар ва бошқа донорлар кредитлари (қарзлар), грантлари ва техник қўмаклашиш маблағлари;
конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, масъул вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар раҳбарларига — Концепция ва «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилсин.

5. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигига оммавий ахборот воситаларида ушбу қарорнинг мақсад ва вазифаларини кенг ёритиш бўйича чиқишлар ҳамда мавзуга оид кўрсатувлар ташкил этиш тавсия этилсин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Б.А. Мусаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 18 январь,
23-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 18 январдаги 23-сон қарорига
1-ИЛОВА

Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш КОНЦЕПЦИЯСИ

1-боб. Умумий қоидалар

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилгача ривожлантириш концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ҳукумат қарорлари, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари, 2030 йилгача мўлжалланган «Ёшлар стратегияси», Ёшлар манфаатлари бўйича бутунжаҳон ҳаракатлар дастури, 2020 йил декабрь ойида ташкил этилган «Ўзбекистон ёшлари» форумида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилган.

Жаҳондаги глобаллашув жараёнлари, инновацион жамиятга бўлган эҳтиёж, фан-техника тараққиёти ёшлар учун кўплаб имкониятлар яратиши билан бир қаторда, уларнинг олдида тезкор қарорлар қабул қилиш, инновацион тафаккурни шакллантириш, интеллектуал салоҳиятни ошириш каби кўплаб талабларни қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёев томонидан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2017 йилдаги 72-сессиясида БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини қабул қилиш ташаббуси илгари сурилди.

Конвенция лойиҳаси ёшлар сиёсати бўйича миллий ва хорижий экспертлар, соҳа мутахассислари, халқаро ташкилотлар вакиллари, кенг жамоатчилик ҳамда ёшлар ҳамкорлигида пухта ишлаб чиқилиб, 2017 — 2020 йилларда ўтказилган турли халқаро форум ва конференцияларда кенг муҳокама қилинди.

Марказий Осиё дунёдаги энг ёш минтақа бўлиб, аҳолисининг ўртача ёши 27,6 ёшни ташкил этади. Минтақа аҳолисининг 50 фоизга яқини Ўзбекистон Республикасига тўғри келади.

Келгуси беш йилликда ёшларнинг илмий, касбий ривожланиши, саломатлиги, иқтисодий имкониятларининг кенгайтирилиши, технология ва инновацияларни ривожлантиришга ажратиладиган сармоялар «демографик дивиденд»га эга бўлишга, яъни мамлакатнинг қисқа муддатда юқори иқтисодий тараққиётга эришишига замин яратади.

Мамлакатда яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ёшлар сиёсати

самарадорлигини оширишга қаратилган стратегик вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда барқарорлик, тинчлик ва фаровонликни таъминлашга сезиларли даражада таъсир қилади.

Мамлакатимиз тарихида илк мартаба Ўзбекистон Республикаси Президенти иштирокида 2020 йил 25 декабрь куни Ўзбекистон ёшлари форуми ўтказилди. Ўттиз мингдан ортиқ ёшлар иштирок этган форумда Давлат раҳбари томонидан ёшлар билан мулоқот қилиниб, уларнинг ғоялари, таклиф ва ташаббуслари қўллаб-қувватланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқиш бўйича устувор вазифалар белгиланди.

Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, Концепция ёшларга оид давлат сиёсатини ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари, устувор йўналишлари, беш йилга мўлжалланган вазифалар ҳамда ёшлар сиёсатини амалга оширишнинг миллий моделини белгилайди, соҳага оид дастурлар ва комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш учун дастуруламал бўлади.

Концепция Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ёшлар — 2030» стратегиясида белгиланган «Ёшлар манфаатларини кўзлаб, улар билан ишлаш» бош тамойилига асосланади.

Концепция Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ёшлар парламентлари, Ёшлар комиссияси, ёшлар ташкилотлари, ёшлар сиёсати бўйича миллий ва хорижий экспертлар, халқаро ташкилотлар, давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари, фаол ёшлар ва бошқа кенг илмий доиралар ва жамоатчилик вакилларининг муҳокамалари, таклиф ва тавсиялари асосида ишлаб чиқилди.

Концепцияни ишлаб чиқишда 50 дан ортиқ мамлакатларнинг ёшлар сиёсатига оид қонун ҳужжатлари, 20 дан ортиқ ёшлар минтақавий бирлашмаларининг битим ва ҳужжатлари (Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Европа Иттифоқи, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ва бошқалар), 30 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг умумий норматив-ҳужжатлари (Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Халқаро Меҳнат Ташкилоти, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Парламентлараро кенгаш ва бошқалар) ўрганилиб, таҳлил қилинди.

Концепция барча вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимлик органлари ҳамда нодавлат ноижорат ташкилотлари ва ёшларнинг яқин ҳамкорлигида амалга оширилади.

2-боб. Концепциянинг мақсад ва вазифалари

Концепциянинг мақсади — ёшларни жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, илмий ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш, ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда мамлакатда амалга оширилаётган демократик, ижтимоий ва иқтисодий ислохотларга фаол жалб қилишдан иборат.

Концепцияда 2021 — 2025 йилларда мамлакатнинг ижтимоий-иқтисо-

дий тараққиёти бўйича прогнозларни инобатга олган ҳолда, қуйидаги вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган:

а) ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш;

б) мамлакатда хавфсизлик, адолат ва экологик барқарорликни таъминлашда ёшларнинг ролини ошириш;

в) ёшлар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, улар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш;

г) таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш;

д) ёшларни она Ватанга, оилага, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

е) ёшларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш;

ж) ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини ривожлантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган «Беш муҳим ташаббус»ни амалга ошириш;

з) ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор ёшлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланган, етим болалар, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш;

и) ёш салоҳиятли кадрларни қўллаб-қувватлаш ва уларни давлат фуқаролик хизматида тайёрлаш, меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш;

к) ёш хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш;

л) ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтерлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш;

м) ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш.

Юқорида қайд этилган мақсад ва вазифалар 4 босқичда амалга оширилади:

ёшларнинг фикрини ўрганиш орқали ёшлар соҳасида мавжуд муаммоларни аниқлаш;

илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ ечимларни ишлаб чиқиш;

аниқланган муаммоларни ҳал этиш чораларини кўриш ва ишлаб чиқилган таклифларни амалга ошириш;

муаммоларнинг ҳал этилиши ва таклифларнинг амалга оширилиши самарадорлигини мониторинг қилиш.

3-боб. Ёшлар сиёсатининг жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

Мамлакат аҳолисининг 18,9 млн. нафари ёки 54 фоизини 30 ёшгача

бўлган ёшлар ва болалар ташкил этади. Ёшларнинг 9,5 миллиони эркек, 9,4 миллиони эса аёл жинсига мансуб.

Республикада ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида 2017 — 2020 йилларда 50 дан ортиқ қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди, 30 июнь — «Ёшлар куни» деб эълон қилинди.

Мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар натижасида тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйилди.

Ёшларга оид давлат сиёсати доирасида ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни тизимли равишда амалга оширувчи давлат бошқарув органи сифатида Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенатида Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Олий Мажлис Сенати қошида 100 нафар ва Қонунчилик палатаси қошида 250 нафар фаол ва ташаббускор ёшлардан иборат «Ёшлар парламент»лари, Қонунчилик палатасида Ёшлар масалалари бўйича комиссия ташкил қилинди.

«Маҳаллабай» ўрганишлар орқали ёшларнинг бандлигини таъминлаш, касб-хунарга ўқитиш, тадбиркорликка жалб этиш, шунингдек, улар ўрта-сида маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари ва китобхонликни ривожлантириш мақсадида янгича тизим асосида барча туман (шаҳар)ларда «Ёшлар дастурлари»ни амалга ошириш йўлга қўйилди.

Ҳар бир маҳалла, туман, шаҳар ва вилоят кесимида ижтимоий, ҳуқуқий, психологик қўллаб-қувватлашга, билим ва касб ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бор бўлган ишсиз ёшлар киритиладиган «Ёшлар дафтари» тизими жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги қошида Ёшлар академияси тузилди. Худудларда «Лойиҳалар фабрикаси» иш бошлади.

Шунингдек, ёшларни қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш мақсадида 2021 йилга мамлакатимизда «Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили», деб ном берилди.

Республикада ёшлар манфаатларини ҳимоя қиладиган 830 дан ортиқ нодавлат нотижорат ташкилотлари ва жамоат бирлашмалари фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўрта-сида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган «Бешта муҳим ташаббус» илгари сурилди.

Ўтган йиллар давомида 42 та туман (шаҳар)ларнинг 168 та олис ва оғир аҳволдаги маҳаллаларида бу тажриба муваффақиятли амалга оширилди.

Худудларда 72 та Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил

этилиб, «Маърифат карвони» тадбирлари доирасида 3 миллиондан ортик китоблар ёшларга етказиб берилди ҳамда «Ёш китобхон» танлови, «Бир миллион дастурчи» каби ўнлаб йирик лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Ёш авлод тарбиясида ҳал қилувчи ўрин тутадиган таълим тизимида улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Сўнгги тўрт йилда мамлакатда олий таълим муассасалари сони 50 фоизга (43 та янги) оширилиб, уларнинг сони 121 тага, ёшларни олий таълим муассасаларига қадров 9 фоиздан 25 фоизга етказилди. 4 та Президент мактаблари, 5 та «Темурбеклар мактаби» ва 9 та ижод мактаблари барпо этилиб, «Замонавий мактаб» дастури жорий этилмоқда.

Республикада фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектларининг 22,9 фоизи (106 минг 574 таси) 30 ёшгача бўлган ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Яқка тартибдаги тадбиркорларнинг 21,5 фоизини (71 минг 467 тани) 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Шунингдек, мамлакатда 3,4 мингга яқин ёш фермерлар, 7,8 мингга яқин ёш ҳунармандлар фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик Палатасига 2019 йилда ўтказилган сайловларда 9 нафар (6 фоиз) ёшлар депутат этиб сайланган бўлса, маҳаллий кенгашлар депутатларининг 10 фоизини ёшлар ташкил этади.

«Мард ўғлон» давлат мукофоти ва «Келажак бунёдкори» медали таъсис этилиб, мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаоллиги ва ташаббускорлиги билан тенгдошларига ўрناк бўлаётган, шунингдек, ўқишда ва меҳнат фаолиятида катта ютуқларга эришган 14 ёшга тўлган ва 30 ёшдан ошмаган ёшлар мукофотланмоқда.

Сўнгги уч йилда нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларда мамлакат ёшлари томонидан 5 299 мартаба совринли ўринлар қўлга киритилган, хусусан, маданият ва санъат соҳасида 446 та, спорт соҳасида 4 838 та, фан-таълим соҳасида 15 та.

Республикада ёшлар ва уларнинг оилалари учун давлат томонидан турли шаклдаги моддий ёрдам ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш чоралари амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, ўтган уч йилда республикамизда 5 122 та ёш оилалар уй-жой билан таъминланди.

Ёшлар сиёсати бўйича хориж тажрибасидан самарали фойдаланиш, ўзаро тизимли ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида 13 та хорижий ёшлар ташкилотлари билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Ўзбекистон 2018 йилда Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти Ёшлар кенгашига, 2020 йилда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ёшлар масалалари бўйича кенгашига тенг ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилинди.

Шунингдек, юқорида келтирилган ёшларга оид давлат сиёсатида эришилган ютуқлар ва ижобий натижалар билан бир қаторда қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Таълимнинг барча босқичларида таълим сифати талаб даражасида эмас.

Ўзбекистоннинг амалдаги таълим тизими маълумотларни ёд олишга қаратилган бўлиб, ёшларнинг ижодий ва мантиқий фикрлаши, танқидий

тахлил қилиши, мустақил фикр юритиши ва янгиликлар яратишини ривожлантиришга йўналтирилмаган. Натижада ёшлар ҳаётда ўзи мустақил қарор чиқариши, жамиятдаги тезкор ўзгаришларга мослашиши, ўз ўрнини топиши жараёнлари мураккаб кечиши ҳолатлари кузатилмоқда.

2. Мактабгача таълим ва олий таълим босқичларида ёшларнинг таълим билан қамрови реал эҳтиёжни қондирмаяпти.

Хусусан, 3 — 6 ёшдаги болаларнинг мактабгача таълим муассасаларидаги қамрови 60 фоизни (2021 йил 1 январь ҳолатига), ёшларнинг олий таълим тизимидаги қамрови 25 фоизни ташкил қилмоқда.

3. Ёшларни касбга йўналтириш ишлари тизимли ташкил этилмаган, олий ва ўрта махсус таълим тизимида мутахассисларни тайёрлаш меҳнат бозори талаблари асосида амалга оширилмаяпти, яъни профессионал таълим ишлаб чиқариш амалиётидан узилиб қолмоқда.

Натижада олий таълимни тамомлаган ёшларнинг кўпчилик қисми мутахассислиги бўйича меҳнат фаолияти билан шуғулланмайди, хусусан, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти таҳлилларига кўра, битирувчиларнинг фақатгина 26,2 фоизи ўз мутахассислиги бўйича ишлаб кетишига тўлиқ ишонишини билдирган.

4. Ёшларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш, бандлигини таъминлаш, улар учун муносиб меҳнат шароитларини яратишда муаммолар сақланиб қолмоқда.

Хусусан, ёшлар ўртасидаги ишсизлик даражаси 2020 йилнинг сўнги чорагида 6,6 фоизни (480 минг 261 нафар) ташкил этган. Шу билан бирга, таълим муассасасини тамомлаб, биринчи бор иш излаётган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар, хотин-қизлар, айниқса бола парвариши бўйича таътилдан қайтган аёлларнинг ишга жойлашишида сунъий тўсиқларга учраш ҳолатлари мавжуд.

5. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган чора-тадбирлар самарадорлиги пастлиги сабабли уларнинг турли ёт ғояларга эргашиши, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилик, эрта туғруқ ҳамда тўй-ҳашамларнинг ортиқча сарф-харажатлар билан ўтказилиши каби салбий ҳолатлар кузатилмоқда.

39 088 нафар ёшлар нотинч оилаларда истиқомат қилмоқда, 368 нафар ёшлар турли зарарли ноформал гуруҳлар, оқимлар таъсирига тушиб қолган. Хусусан, 2020 йилнинг январь-ноябрь ойларида қайд этилган 39 244 та жиноятларнинг 11 469 таси ёки 34,8 фоизи ёшлар томонидан содир этилган.

Ёшларни оилага садоқат руҳида тарбиялаш, оилавий ҳаётга тайёрлаш ишлари тизимли ташкил этилмаган.

Хусусан, ёшлар ўртасида эрта никоҳ ҳолатлари, қонуний расмийлаштирилмаган никоҳ ва ажрим ҳолатлари кузатилмоқда, жумладан 2020 йилнинг 11 ойида қайд этилган 25 мингта оилалар ажримларининг аксарияти ёшлар ҳиссасига тўғри келади.

6. Ёшларнинг тиббий маданияти пастлигича қолмоқда.

Ёшларда репродуктив саломатлик, тўғри овқатланиш ва гигиена қоида-

лари, соғлом турмуш тарзи ҳақида тушунчалар тўлиқ шаклланмаганлиги оқибатида турли юқумли ва сурункали касалликлар, бевақт ўлим ҳолатлари, гиёҳванд моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш, психотроп моддалар истеъмол қилиш каби салбий ҳолатлар (2020 йил сентябрь ҳолатига гиёҳванд моддаларни истеъмол қилувчи 5 889 нафар ёшлар рўйхатда туради), яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузилиши натижасида эса миллат генофонди бузилиши, туғма нуқсонли болалар дунёга келиши ҳолатлари сақланиб қолмоқда.

7. Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар ва болаларнинг (етимлар, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, ногиронлиги бор ҳамда даволанишга муҳтож) жамиятга ижтимоий мослашувини таъминлашда айрим муаммолар сақланиб қолмоқда.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини иш ва уй-жой билан таъминлаш, жамиятга ижтимоий мослашувини амалга ошириш бўйича белгиланган механизмлар амалда ўз натижасини бермаяпти.

Бугунги кунда республикамизда алоҳида эътиборга муҳтож 18 ёшгача бўлган 150 минг нафар болалар мавжуд.

Олий таълим муассасаларида махсус квота асосида ўқитилган ногиронлиги бор ёшларнинг давлат ташкилотларида иш билан таъминланиши механизми амалда қўлланилмаяпти.

Ногиронлиги бор ёшларнинг ҳудудлардаги инфратузилма, таълим, ижтимоий хизмат кўрсатиш, маданий мерос объектлари, кўнгилочар жамоат масканларидан фойдаланиши учун қулай шарт-шароитлар тўлиқ яратилмаган.

8. Ёшларнинг жамоат ташкилотлари ва сиёсий партиялардаги фаоллиги ва иштироки суёт даражада қолмоқда.

Ёшларнинг сайлов жараёнлари, сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари фаолиятидаги иштироки ҳолати бу борадаги ишларни янада кучайтиришни тақозо этмоқда.

9. Ҳудудларда ёшларга оид инфратузилма қониқарли даражада эмас.

Жумладан, ёшларнинг маданий савиясини ошириш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш учун театрлар, кинотеатрлар, музейлар, кутубхоналар, истироҳат боғлари ва бошқа маданият муассасалари сони етарли эмас.

Аксарият маҳаллалар ва мактабларда ёшларнинг оммавий спорт турлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар мавжуд эмас. Хусусан, мавжуд спорт иншоотлари 1,3 млн ўринга эга бўлиб, мамлакат аҳолисининг фақатгина 4 фоизини қамраб олади, мактабларининг 24 фоизида спорт заллари мавжуд эмаслиги сабабли, ўқувчиларнинг бор-йўғи 25 фоизи жисмоний тарбия ва спортга жалб этилган.

Айрим ҳудудларда ёшларнинг сифатли, тезкор ва арзон интернет хизматларидан фойдаланиши учун шароитлар етарли эмаслиги уларнинг замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишига тўсиқ бўлмоқда.

Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, янги асарларни яратиш, таржима қилиш ва муаллифларни рағбатлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари амалга оширилмаяпти, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китоблар-

ни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётлар, кўзи ожизлар учун брайл алифбосига асосланган адабиётлар чоп этилиши механизми йўлга қўйилмаган.

4-боб. Ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари

Ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш йўналишида:

ёшларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ягона электрон базасини шакллантириш ва янгиланиб боришини таъминлаш;

давлат идораларида тизимли равишда ёшлар сиёсатига оид статистик маълумотлар юритилишини таъминлаш;

қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижроси тўлақонли амалга оширилиши мониторингини юритиш;

жойларда ёшларга оид норматив ҳужжатлар бажарилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назорати амалга оширилишини ташкил этиш;

ёшларга оид қонун ва қонуности ҳужжатларни қабул қилиш бўйича хорижий мамлакатлар тажрибасини кузатиб бориш, самарали тажрибани миллий амалиётда қўллаш чораларини кўриш;

ёшлар, айниқса, уларнинг уюлмаган қатлами билан масъуллар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатишга хизмат қилувчи «Ёшлар мурожаати» электрон платформасини яратиш;

ёшларнинг долзарб муаммоларидан келиб чиққан ҳолда экспертлар гуруҳларини шакллантириш, улар ёрдамида мавжуд нормаларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда янги ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

давлат ва нодавлат ташкилотлари томонидан ёшларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини кафолатлаш, мустаҳкамлаш ва уларни ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятни кучайтириш;

қонун ижодкорлигида ёшларнинг яқиндан иштирокини таъминлаш.

2. Мамлакатда хавфсизлик, адолат ва экологик барқарорликни таъминлашда ёшларнинг ролини ошириш йўналишида:

ёшларни жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъий назар қўллаб-қувватлаш ҳамда тенг ҳуқуқ ва имкониятларини таъминлаш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ривожлантириш;

ёшлар, жумладан вояга етмаганлар ўртасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш;

жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтиб келган вояга етмаганларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;

ёшларни одам савдоси, коррупция, турли зарарли ёт ғоялар ва оқимлар таъсирига тушиб қолишини олдини олиш бўйича аниқ чораларни ишлаб чиқиш;

ёшларда экологик маданият даражасини юксалтириш, уларни табиат ва унинг ресурсларига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш; мамлакат экологик барқарорлигини таъминлашда ёшлар иштирокини кучайтириш.

3. Ёшлар учун малакали тиббий хизматдан фойдаланиш шарт-шароитларини яхшилаш, улар ўртасида тиббий саводхонликни ошириш ва соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш йўналишида:

ёшлар ўртасида тиббий маданият, хусусан шахсий гигиена, тўғри ва рационал овқатланишга риоя этиш бўйича тарғибот тадбирларини кучайтириш;

ёшларнинг сифатли соғлиқни сақлаш тизими имкониятларидан фойдаланишини таъминлашда соҳа ташкилотлари ҳамкорлигини кучайтириш;

ёшлар саломатлиги ва фаровонлигини белгилайдиган омилларни ҳисобга олган ҳолда, уларни соғлиқни сақлаш тизими томонидан қамровини кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

ёшларнинг руҳий саломатлиги масалаларида мақсадли ёрдам кўрсатиш хизматларини ривожлантириш;

ёшларга репродуктив саломатлик, тиббий масалалардаги ҳуқуқлари ҳақида сифатли маълумотлар етказилишини таъминлаш;

ёшлар орасида турли юқумли ва сурункали касалликлар, бевақт ўлим ҳолатлари, гиёҳванд моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотларига ружу қўйиш, психотроп моддалар истеъмол қилиш ҳолатларини олдини олиш;

миллат генофондини яхшилаш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом авлод туғилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, яқин қариндошлар ўртасида никоҳ тузилиши ҳолатларини олдини олиш.

4. Таълимнинг барча босқичларида ёшларнинг сифатли таълим олишини таъминлаш, ҳудудларда инклюзив таълим ривожланиши учун шарт-шароит яратиш йўналишида:

мактабгача таълим муассасалари, умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасалари сонини нодавлат секторда оширишга қаратилган чора-тадбирларни кучайтириш;

ёшларни касбга йўналтириш ишларини тизимли ташкил этиш, олий ва профессионал таълимни тамомлаган ёшларни ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишига қўмаклашиш;

умумтаълим ва олий таълим муассасаларида ўқитиш сифатини ошириш бўйича таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш;

ёшларнинг молиявий саводхонлигини ошириш, бунинг учун зарур бўладиган фундаментал билимларни ўргатишга йўналтирилган ўқув дастурларини ишлаб чиқиш;

умумтаълим мактаблари ўқувчиларида 7-синфдан бошлаб касбларга қизиқишини аниқлаш тизимини йўлга қўйиш;

мактаб ўқувчиларини касбга тайёрлаш инфратузилмасини яратиш,

8-9-синф ўқувчиларини истиқболли касблар билан таништириб, бунинг учун зарур бўладиган билим ва кўникмалар шакллантириш чораларини кўриш; ёшларни олий таълимга ўқишга қабул қилишда абитуриентнинг интеллектуал салоҳияти, шахсий кўникмалари, мантикий ва ижодий фикрлаш қобилияти ва волонтерлик фаолиятлари асосида саралаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

ривожланган давлатларнинг етакчи таълим муассасаларида ёшларнинг таълим олиши ва малакасини оширишга қаратилган фаолиятни қўллаб-қувватлаш;

таълим жараёнида электрон медиа маҳсулотлар (электрон дарсликлар)дан кенг фойдаланишни йўлга қўйиш;

педагог ходимларга эҳтиёжи катта бўлган чекка тоғли ва чўл ҳудудларда олий таълим муассасалари битирувчиларининг меҳнат фаолиятини рағбатлантириш тизимини кучайтириш;

олий таълимдан кейинги илмий фаолиятда, айниқса аниқ ва техника фанлари бўйича хотин-қизлар фаоллигини оширишга қаратилган махсус дастурларни амалга ошириш.

5. Ёшларни она Ватанга, оилага, мустақиллик ғояларига муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш йўналишида:

ёшларни «Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари!» ғояси атрофида бирлаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларда ватанпарварлик, мардлик, шижоат, миллий ғурур, қатъият, орият, қаноат, меҳнатсеварлик, иродалилик, масъулиятлилиқ каби маънавий-ахлоқий фазилатларни шакллантириш;

оилага садоқат, кексаларни эъзозлаш, меҳр-оқибатлилиқ каби қадриятларнинг мавқеини оширишга қаратилган самарали чора-тадбирларни кучайтириш;

ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, улар ўртасидаги низоларнинг олдини олишга қаратилган аниқ ва натижадор механизмларни жорий этиш;

ёшларни тарбиялашда оила, маҳалла ва таълим муассасалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва бошқа ижтимоий тузилмалар ўртасида самарали ҳамкорлик механизминини йўлга қўйиш;

жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, фарзанд тарбияси, оилавий қадриятларимизга зид бўлган турли маънавий таҳдидларга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилган профилактик тадбирларни ташкил этиш;

жамиятимизда бирдамлик, ҳамжиҳатлик, миллатлараро дўстлик ва тоғувликни, диний бағрикенгликни мустаҳкамлашда ёшлар иштирокини ошириш;

Ўзбекистоннинг чегара, анклав, эксклав ҳудудларида аҳил қўшничилик, дўстлик, бағрикенглик муҳитини мустаҳкамлашга қаратилган комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.

6. Ёшларга муносиб меҳнат шароитларини яратиш, уларнинг иқтисо-

дий имкониятларини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўналишида:

олий ва профессионал таълимга қамраб олинмаган ёшларни иш билан таъминлаш;

ёшлар ўртасида фрилансерлик фаолиятини кенг ривожлантириш;

мактабнинг юқори синфлариданок касбга ўргатиш тизимини жорий этиш;

турли соҳалардаги ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Ёшлар экспортда», «Ёшлар инвестицияда», «Ёшлар фермерликда», «Ёшлар қурилишда» каби йўналишлар бўйича махсус дастурларни амалга ошириш;

маҳаллаларда ўсмир ёшларни «Устоз — шогирд» анъанаси доирасида ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорликка яқиндан жалб қилиш;

ёшлар туризмини жадал ривожлантириш ҳамда улар орасида туризмга асосланган ишбилармонликни оммалаштириш;

ёш мутахассисларнинг халқаро меҳнат бозорида интеллектуал ишчи кучи сифатида рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида уларга касб кўникмаларини халқаро электрон платформалар орқали намоён қилиш услубларини ўргатиш;

ёшларнинг инновацион ғоялари ва лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида олий таълим муассасаларида (бизнес-инкубатор, акселератор) дастурлар ва фондларни кўпайтириш;

«Ёшлар кичик саноат зоналари» ташкил этиш, уларда ёшлар лойиҳаларини амалга оширишга кўмаклашиш учун зарур бўладиган барча инфра-тузилма объектларини жойлаштириш;

ёшларни тадбиркорлик ва фермерликка жалб қилишга қаратилган ҳудудий ихтисослаштирилган дастурларни ишлаб чиқиш;

жойларда ёшларнинг тадбиркорлик кластерларини ва консалтинг хизматларини ташкил этиш бўйича аниқ дастур ва режалар ишлаб чиқиш;

таълим муассасаларини тамомлаб, биринчи бор иш излаётган, муддатли ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар, хотин-қизлар, айниқса бола парвариши бўйича таътилдан қайтган аёлларнинг ишга жойлашишида юзага келаётган сунъий тўсиқларни бартараф этиш;

норасмий секторда банд бўлган ёшларнинг фаолиятини легаллаштириш, ёшларнинг хорижда меҳнат фаолиятини амалга ошириш, адолатли ва хавфсиз меҳнат шароитларига бўлган ҳуқуқларини рўёбга чиқаришда кўмаклашиш, уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини, шунингдек, ватанга қайтганларидан сўнг жамиятга қўшилишини таъминлаш.

7. Ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, ёшларда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлашга қаратилган «Беш муҳим ташаббус»ни амалга ошириш йўналишида:

ёшларнинг мусиқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишларини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш бўйича махсус дастурларни амалга ошириш;

муסיқа, рассомлик, адабиёт, театр ва санъат соҳасида иқтидорли ёшларни излаб топиш, уларнинг маълумотлар базасини яратиш;

иқтидорли ёшларнинг маданият ва санъат соҳасида нуфузли халқаро танлов ва мусобақаларга тизимли тайёрлаш ва уларнинг иштирокини таъминлаш бўйича ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш;

ёшларни жисмоний чиниктириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитларни яратиш;

жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланидиган ёшларнинг умумий сонини ошириш;

болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари сонини ва спорт таълими муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва молиявий таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

ногиронлиги бор шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга шуғулланишлари учун жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт иншоотларида шароитлар яратиш ҳамда махсус спорт жиҳозлари билан таъминлаш;

ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этиш;

компьютер дастурлаш асослари, робототехника, ахборот технологиялари ва электрон тижорат соҳасида инновацион тадбиркорлик асосларини ишлаб чиқиш;

худудларда IT-парклар ва Рақамли технологиялар ўқув марказлари фаолиятини босқичма-босқич йўлга қўйиш;

ёшларнинг сифатли, тезкор ва арзон интернет хизматларидан фойдаланиши учун шароитлар яратиш;

таълим муассасаларининг информатика хоналари моддий-техника базасини бойитиш;

китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, янги асарларни яратиш, таржима қилиш ва муаллифларни рағбатлантиришнинг комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш;

ижтимоий аҳамиятга эга бўлган китобларни, айниқса, болаларга мўлжалланган адабиётлар, кўзи ожизлар учун брайл алифбосига асосланган адабиётлар чоп этилишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш;

китобхонлик маданиятини ривожлантиришга қаратилган лойиҳа ва танловларнинг тизимли ташкил этилишини таъминлаш;

хотин-қизларни иш билан таъминлашга доир дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истагида бўлган хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш;

кам таъминланган оилалардаги ва иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш;

хотин-қизларни замонавий касбларга ўқитиш, улар ўртасида фрилансерлик фаолиятини кенг ривожлантириш.

8. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор ёшлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланган, етим болалар, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш йўналишида:

ногиронлиги бор ёшларнинг ҳудудлардаги инфратузилма, таълим муассасалари, ижтимоий хизмат кўрсатиш, маданий мерос объектлари, кўнгило-чар жамоат масканларидан фойдаланиши учун қулай шарт-шароит яратиш; кам таъминланган оилалар фарзандларини ўқитиш, замонавий касбларга тайёрлаш бўйича имкониятларни кенгайтириш чораларини кўриш;

олий таълим муассасаларида махсус квота асосида ўқитилган ногиронлиги бор ёшларнинг давлат ташкилотларида ишга жойлашининг амалий механизмларини такомиллаштириш;

ёшларнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига бепул ихтиёрий юридик ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш;

меҳрибонлик уйлари ва ихтисослаштирилган таълим муассасалари тарбияланувчиларининг жамиятга ижтимоий мослашувида самарали механизмларни йўлга қўйиш;

хавф гуруҳига кирувчи ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича манзилли чора-тадбирларни амалга ошириш;

ижтимоий ҳимояга муҳтож, ногиронлиги бор ёшлар, меҳрибонлик уйларида тарбияланган, етим болалар, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш тизимини яратиш;

меҳрибонлик уйларида тарбияланган, етим болалар, боқувчисини йўқотган ва ота-она қарамогидан маҳрум бўлган болаларни комплекс ижтимоий ҳимоясини таъминлаш;

ногиронлиги бор ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро норматив ҳужжатлар имплементациясини амалга ошириш.

9. Ёш салоҳиятли кадрларни қўллаб-қувватлаш ва уларни давлат фуқаролик хизматида тайёрлаш, меҳнат бозорида рақобатбардошлигини таъминлаш йўналишида:

давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларида иқтидорли, ташаббускор, рақобатбардош кадрлар захира-сини шакллантириш чораларини кўриш;

ёшларда муаммоларни ҳал этиш, қарор қабул қилиш, танқидий ва ижодий фикрлаш, мулоқот қилиш, мослашувчанлик, стрессни енгиш каби ҳаётий кўникмаларни ривожлантириш бўйича махсус ўқувларни ривожлантириш;

ёшларда корпоратив этика, жамоавий иш, кейс-менежментга доир билимларни шакллантириш орқали иш жараёнига мослашиб кетишига кўмаклашиш тизимини йўлга қўйиш;

ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларининг ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

ёшларнинг эркин фикрловчи, ишбилармон, тадбиркор ҳамда интеллектуал салоҳияти юқори бўлган бугунги кун қаҳрамони тимсолини яратиш ва уни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш;

ёшлар ҳаёти, ўй-кечинмалари, орзу-ниятлари, долзарб муаммоларини

интернет, радио, телевидение, газета ва журналларда кенг ёритиш бўйича шарт-шароитларни яратиш.

10. Ёш хотин-қизларнинг имкониятларини кенгайтириш, уларнинг жамиятдаги мавқеини янада ошириш йўналишида:

мазкур соҳадаги ёшларга оид давлат дастурларини, миллий ҳаракатлар режалари ва стратегияларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

ёш хотин-қизлар ва эркакларда тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар маданиятини шакллантириш бўйича дастурларни амалга ошириш;

жамият ва давлат ишларини бошқаришда ёш хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг иштирок этишини таъминлаш;

таълим, илм-фан, маданият, соғлиқни сақлаш, тадбиркорлик фаолиятида ёш хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

меҳнат муносабатлари, жамоа шартномалари ва келишувлари, ижтимоий ҳимоя, уй меҳнатини бажаришда ёш хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларини таъминлаш;

ёш оилани, болаликни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, ёшларда масъулиятли оналик ва оталикни шакллантириш;

жинс бўйича бевосита ва билвосита камситишга қаратилган ахборотдан ёшларни ҳимоя қилиш;

ёш хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларга эришиши мақсадида миллий, минтақавий ва халқаро даражаларда ёшлар ташкилотлари билан самарали ҳамкорликни ривожлантириш.

11. Ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтерлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаш йўналишида:

ёшларнинг ижтимоий фаоллигини рағбатлантириш, волонтерлик гуруҳларини қўллаб-қувватлаш ва мувофиқлаштириб боришнинг ягона тизимини шакллантириш;

ёшлар жамоат ташкилоти, сиёсий партияларининг ёшлар қанотлари фаолиятини қўллаб-қувватлашга қаратилган мақсадли дастурларни амалга ошириш;

ёшларнинг сиёсий онгини ошириш, уларнинг сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш;

волонтерлик фаолияти институционал тузилмаларини яратиш, волонтерликнинг барча йўналишларини ёшлар ўртасида оммалаштириш ва қўллаб-қувватлаш;

ёшлар жамоат ташкилотлари ва волонтерлик ҳаракатларини ривожлантиришда илғор хорижий тажрибаларни амалиётга жорий қилиш, халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш.

12. Ёшлар сиёсати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш йўналишида:

ёшлар сиёсати соҳасида чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсатни юритиш бўйича стратегия ҳамда дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган халқ-

аро норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда Ўзбекистон ёшларини кенг жалб этиш;

ҳалқаро ва минтақавий даражадаги давлат ва нодавлат ёшлар ташкилотлари, таълим муассасалари, илмий институтлари билан ёшлар сиёсати соҳасида ҳамкорликни мустаҳкамлаш;

ёшлар фаолияти билан боғлиқ соҳаларга хорижий инвестициялар ва илғор технологияларни жалб қилиш бўйича халқаро молия институтлари, донор-мамлакатлар ҳамда хорижий ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантириш;

ҳалқаро ижтимоий-аҳамиятли лойиҳалар ва дастурларни амалга оширишда Ўзбекистон ёшларининг ролини кучайтириш;

хорижда таълим олаётган ва меҳнат қилаётган ёш ватандошларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, улар билан доимий мулоқот ва ҳамкорлик механизмларини йўлга қўйиш;

ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеини ошириш бўйича зарур чоралар кўриш;

Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ёшлар сиёсати соҳасидаги ислоҳотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига ҳолис ахборот етказиш.

5-боб. Ёшлар сиёсатини баҳолаш

Ёшлар сиёсатини баҳолаш Ўзбекистон Республикасида ёшлар билан ишлаш самарадорлигини баҳолаш бўйича ягона кўрсаткичлар тизими ҳисобланиб, мамлакат ёшларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ижтимоий-сиёсий мавқеи, фаровонлиги, баркамоллик даражаси ҳамда истиқболдаги ўрнини кўрсатади.

Бунда баҳолаш мамлакатнинг ёшлар сиёсати бўйича сифат кўрсаткичлари соҳадаги халқаро индексларга мос равишда ўсишини таъминлашга йўналтирилади ҳамда соҳада амалга оширилаётган ишлар давлат ва хўжалик бошқаруви ҳамда маҳаллий ҳокимият органлари кесимида қуйидаги устувор йўналишлар асосида баҳоланади:

1. Ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳолати.
2. Ёшларнинг ижтимоий фаоллиги.
3. Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишларини амалга оширишда иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти.
4. Ёшларга оид давлат сиёсати ва унинг инфратузилмаси.
5. Ахборот-коммуникация технологиялари ва ёшлар.
6. Ёшларга оид давлат сиёсатининг молиялаштирилиши.
7. 5 та муҳим ташаббусни амалга оширишда яратилган инфратузилма ва ёшларнинг қамрови.

Баҳолашда мезонларга тааллуқли маълумотларни ўрганиш, таҳлил этиш, шунингдек маълум ёшлар қатламлари ўртасида ижтимоий сўровлар ўтказиш орқали сифат кўрсаткичини аниқлаш ва бошқа усуллардан фойдаланилади.

Йиллик баҳолаш натижалари асосида келгусида соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб олинади.

6-боб. Кутилаётган натижалар

Концепция амалга оширилиши натижасида иқтисодий, ижтимоий, маданий соҳаларда рақобатбардош, замонавий билим ва кўникмаларга эга ёш авлод шакллантирилади.

Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижаларни икки гуруҳга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳни ёшларнинг шахсий ривожланиши, хусусан, уларнинг саломатлиги, таълим-тарбияси, иқтисодий имкониятлари, кўникмаларидаги натижалар ташкил этади:

ёшларнинг тиббий маданияти оширилади, соғлом турмуш тарзи, шахсий гигиена, тўғри ва рационал овқатланишга риоя этиш кўрсаткичлари ошади;

умумтаълим мактабларида 7-синф ўқувчиларининг касблар кесимида қизиқишини аниқлаш, 8-9-синф ўқувчиларини замонавий ва истиқболли касблар билан таништириб бориш, 10-синфдан ўқувчиларни давлат ва нодавлат ўқув марказлари ёрдамида касбга ўргатиш ва уларнинг харажатларини «ваучер» тизими орқали қоплаб бериш механизми яратилади;

ёшларни олий таълимга ўқишга қабул қилишда абитуриентнинг интеллектуал салоҳияти, шахсий кўникмалари, мантикий ва ижодий фикрлаш қобилияти ва волонтерлик фаолиятлари асосида саралаш тизими босқич-ма-босқич жорий этилади;

оила, хусусан, ёшларда бой миллий тарбиявий меросимиз тўғрисида билимлар оширилиб, уларни ўрганиш, сақлаш, тарғиб қилиш, ўргатиш орқали миллий кадриятларнинг мавқеи мустаҳкамланади;

ёшлар ўртасида эрта туғруқ ҳолатларига барҳам беришнинг самарали чоралари амалга оширилади;

маданият ва санъат билан мунтазам шуғулланидиган ёшлар сони 30 фоизга оширилиб, уларнинг халқаро танлов ва фестиваллардаги иштироки 40 фоизга етказилади;

ёшларнинг 30 фоизи оммавий спорт турлари билан мунтазам шуғулланишига эришилади;

китоб ўқишни кундалик ҳаёт тарзига айлантирган ёшлар сони 70 фоизга оширилади.

Иккинчи гуруҳ натижалари мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожланишига ёшларнинг қўшаётган ҳиссаси ва яратилаётган шарт-шароитлар кўлами билан белгиланади:

жойларда ёшларга оид норматив ҳужжатлар бажарилиши устидан таъсирчан жамоатчилик назорати доимий амалга оширилади;

жамиятда ёшлар учун жинси, ирқи, миллати, тили, диний эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ва имкониятлар янада мустаҳкамланади;

Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб PISA (The Programme for International Student Assessment) Халқаро миқёсда ўқувчиларни баҳолаш дастури рейтинг буйича жаҳоннинг биринчи 30 та илғор мамлакати қаторига киришига эришилади;

таълим муассасаларидаги ўқитиш дастурлари халқаро стандартларга (PISA, STEAM) мослаштирилади;

болаларнинг мактабгача таълим муассасалари, ёшларнинг умумтаълим мактаблари ва олий таълим муассасаларига қамрови нодавлат таълим муассасалари учун имкониятлар кенгайтирилиши ҳисобига босқичма-босқич оширилади, жумладан, Республикада 3 — 7 ёшгача бўлган болаларнинг 80 фоизи мактабгача таълим ташкилотларига қамраб олинади;

ёшларнинг маданий савиясини ошириш учун кутубхоналар, театрлар, кинотеатрлар, музейлар, истироҳат боғлари ва бошқа маданият муассасалари сони босқичма-босқич оширилади;

ёшларнинг оммавий спорт турлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилиб, спорт иншоотларининг сифими 30 фоизга оширилади;

маҳаллаларда ёшларнинг оммавий спорт турлари билан шуғулланишлари учун шарт-шароитлар яратилади;

барча ҳудудларда IT-парклар барпо этилади, туман (шаҳар)ларда Рақамли технологиялар ўқув марказлари ташкил этилади, «Бир миллион ўзбек дастурчи» лойиҳаси асосида 200 мингга яқин ёшлар ўқитилади;

ёшларнинг сифатли, тезкор ва арзон интернет хизматларидан фойдаланиши учун шароитлар яратилади, алоқа ва ахборотлаштириш хизматларини 2 баравар ўстириш таъминланади;

китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш, янги асарларни яратиш, таржима қилиш ва муаллифларни рағбатлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари амалга оширилади;

ногиронлиги бор ёшлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган халқаро норматив ҳужжатлар имплементация қилинади;

ёшлар ва ҳукумат ўртасидаги тизимли мулоқотни ташкил этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари ҳузурида иқтидорли, фаол ва ташаббускор ёшларни бирлаштирган соҳалар буйича «Ёшлар кенгашлари» фаолияти йўлга қўйилади;

ёшлар ҳаёти, ўй-кечинмалари, орзу-ниятлари, долзарб муаммоларини интернет, радио, телевидение, газета ва журналларда кенг ёритиш буйича «Ёшлар медиа холдинги» ташкил этилади;

хорижий давлатларга ишлаш учун чиқиб кетаётган ҳамда норасмий иш билан банд бўлган ёшларнинг ижтимоий таъминоти ва меҳнат муҳофазаси таъминланади;

меҳрибонлик уйлари битирувчилари бандлиги тўлақонли таъминланади, уларнинг жамиятга ижтимоий мослашувига кўмаклашишда самарали механизмлар жорий этилади;

таълим муассасасини тамомлаб, биринчи бор иш излаётган, муддатли

ҳарбий хизматни ўтаган ёшлар, хотин-қизлар, айниқса бола парвариши бўйича таътилдан қайтган аёлларнинг ишга жойлашишда сунъий тўсиқлар бартараф этилади;

волонтёрлик фаолиятининг институционал тузилмалари, жумладан, «Волонтёрлар мактаблари», «Волонтёрлик марказ»лари яратилади;

халқаро ва минтақавий даражадаги давлат ва нодавлат ёшлар ташкилотлари, халқаро молия институтлари, донор-мамлакатлар ҳамда хорижий ташкилотлар, таълим муассасалари, илмий институтлари билан ёшлар сиёсати соҳасида ҳамкорлик мустаҳкамланади;

хорижда истиқомат қилаётган ёш ватандошлар билан доимий мулоқот ва ҳамкорлик механизмлари йўлга қўйилади, Ўзбекистоннинг чегара, анклав, эксклав ҳудудларида аҳил қўшничилик, дўстлик, бағрикенглик муҳити янада мустаҳкамланади;

мамлакатда олиб борилаётган ёшлар сиёсати соҳасидаги ислохотлар тўғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиб берилади ҳамда ёшлар соҳасидаги халқаро рейтингларда мамлакатимиз мавқеи оширилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

Ўзбекистон Республикасининг ёшларга оид давлат сиёсатини 2025 йилга қадар ривожлантириш концепциясида назарда тутилган мақсад ва вазифаларга эришишнинг молиявий харажатлари Ўзбекистон Республикасининг «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги Қонунига биноан, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети, хомийларнинг маблағлари ва бошқа маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ривожланишидаги ўзгаришлардан келиб чиқиб, Концепциянинг айрим қоидалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқлаштирилиши ҳамда тўлдирилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**26 Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юри-
тиш ва фитосанитар дала назоратини амалга оши-
риш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

«Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ, шунингдек, ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати тизимини такомиллаштириш ҳамда самарадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 30 августдаги ПҚ–3249-сон қарори билан карантин остидаги маҳсулотларнинг намуналари тўлов асосида лаборатория экспертизасидан ўтказилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси:

карантин остидаги маҳсулотларнинг намуналарини лаборатория экспертизасидан ўтказиш учун қилинган ҳақиқий харажатлардан келиб чиқиб, хизматлар нархларини белгиласин ва Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда 2021 йил 1 мартга қадар тасдиқласин;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтариб олиб кирилган (реимпорт) карантин остидаги маҳсулотлар фитосанитария сертификати асосида карантин текширувидан ўтказилишини таъминласин;

аҳоли, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари орасида мунтазам равишда ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати тартиби билан таништириш ва уларни тушунтириш юзасидан тизимли тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб борсин;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага** мувофиқ айрим ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев ҳамда Вазирлар Маҳ-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2023 йил 23 январда эълон қилинган.

** 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

камаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи И.К. Эргашев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 январь,
32-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 январдаги 32-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг
юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга
ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги тушунчалар қўлланилади:

мониторинг юритиш — ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш, кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилиш;
прогноз — ўсимликлар дунёсига зарар етказувчи зарарли организмларни (зараркунанда, касаллик қўзғатувчилар ва бегона ўтлар) пайдо бўлиши, тарқалиши, миқдори ва ривожланишини илмий асосланган ҳолда мутахассислар томонидан узоқ ва қисқа муддатли прогноз қилиш жараёни;

фитосанитар дала назорати — ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг фитосанитар тозалигини таъминлаш, уларда ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида амалга ошириладиган жараён;

феромон тутқич — табиатда ҳашаротларнинг қишлардан чиқишини, ривожланиш босқичининг бошланишини ва фенологиясини аниқлашда ҳамда уларга қарши курашишни тўғри ташкиллаштиришда фойдаланиладиган восита;

ўсимликлар карантини объекти — дунёда карантин аҳамиятига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мавжуд бўлмаган ёки чекланган тарзда тарқалган зарарли организмлар;

ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати тизими — Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар

карантини давлат инспекциялари ҳамда Ўсимликлар карантини илмий-тадқиқот маркази.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда ўсимликлар карантини соҳасидаги мониторинг ва фитосанитар дала назорати «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, ушбу Низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

4. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўсимликлар карантини давлат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш доирасида ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш, кузатиш, таҳлил қилиш, баҳолаш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилишнинг ягона тизимини юритади ва унга раҳбарлик қилишда ваколатли давлат органи ҳисобланади.

2-боб. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш тартиби

5. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини давлат инспекциялари (кейинги ўринларда — ҳудудий инспекциялар) томонидан юритилади.

6. Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари ўсимликлар карантини соҳасида мониторингни юритиш доирасида ўсимликлар карантини объектларининг ўчоқларини аниқлаш, уларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш йўллари, тарқалган ҳудудларни ҳамда биоэкологик хусусиятларга таъсир кўрсатишига кўмаклашувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш мақсадида юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудига монеликсиз кириш ва бир кундан ошмаган ҳолда дастлабки ўрганишни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Бунда, мазкур ўрганиш жараёнида берилган хулосалардан келиб чиқиб, камчиликларнинг бартараф этилишини назорат қилиш юзасидан текшириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 27 июлдаги ПФ–5490-сон Фармонида назарда тутилган тартибда Инспекция томонидан ваколатли органни фақат хабардор этиш тартибида амалга оширилади.

7. Ўсимликлар карантини бўйича давлат хизмати томонидан ўсимликлар карантини тўғрисидаги қонун ҳужжатларига асосан ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг:

ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишига, тарқалишига ҳамда биоэкологик хусусиятларига таъсир кўрсатишига кўмаклашувчи омилларни аниқлаш ва баҳолаш;

ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш йўллари ва тарқалган ҳудудлари ҳамда ўчоқларини аниқлаш; фитосанитар хавфни аниқлаш ва таҳлил қилиш;

Ўсимликлар карантини объектларини баҳолаш ва уларнинг тарқалишини прогноз қилиш;

Ўсимликлар карантини объектларига қарши курашиш;
зарарли организмлар ўсимликларга иқтисодий зарар етказишининг олдини олиш мақсадида юритилади.

8. Ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларнинг тарқалиши улар аниқланган ҳудудларга нисбатан баҳоланади.

9. Баҳолашда қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

хўжаликдаги етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари турлари, кўп йиллик дарахтзорлар, яйлов, пичанзорлар, сув ости ва ер усти йўлларига қараб йўналишларини танлаш;

баҳолаш ўтказилаётган юридик ва жисмоний шахснинг манзили, эгаллик шакли ва уларнинг ихтиёридаги мавжуд қишлоқ хўжалиги экин ерлари, кўп йиллик дарахтзорлар, яйлов, пичанзорлар, сув ости ва ер усти йўллари ҳамда у ерда етиштирилаётган қишлоқ хўжалиги экинлари тўғрисидаги маълумотларни олиш ва ўрганиш;

ўсимликларнинг зараркунанда, касаллик ва бегона ўтларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш бўйича ўтказилган тадбирлар тўғрисида маълумотлар билан танишиш;

баҳолаш аниқ бўлиши учун маълумотда ўсимлик турини, миқдорини, ҳажминини, ўсимликлар карантинидаги ҳамда бошқа зараркунанда, касаллик ва бегона ўтлар мавжудлигини ёки зарарланиш ҳолатини кўрсатиш.

Баҳолаш якунида тўпланган маълумотлар таҳлил қилиниб, ҳудудий инспекциялар томонидан карантин чораларини белгилаш ёки белгиламаслик бўйича хулоса қилинади.

10. Ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келиш йўллари ва тарқалган ҳудудлар ҳамда ўчоқларни аниқлашда қўйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ўсимликлар карантини чегара масканлари ва қўриқланадиган давлат чегараларига 3 км радиусда феромон тутқичлар қўйиб назорат олиб бориш;
импорт қилинган карантин остидаги маҳсулотларни бирламчи ва иккиламчи назоратдан ўтказиш;

карантин остидаги маҳсулотларни карантин лабораторияларида экспертизадан ўтказиш;

метеостанциялар маълумотларини олиш;

ўсимликлар карантини давлат инспекторларига бириктирилган ҳудудларидаги барча юридик ва жисмоний шахсларнинг экин майдонларида карантин объектларининг ривожланиши ҳамда тарқалиши бўйича мунтазам мониторинг юритиш;

ўсимликлар карантини давлат инспекторларига бириктирилган ҳудудларда ҳар йили ўсимликлар карантини объектлари миқдорининг ўзгариши ҳамда ушбу ҳудудларга мос равишда улардаги ўсимликлар карантини объектлари ривожланиши тўғрисидаги ҳисоботни юритиш;

аввал белгиланган йўналиш (маршрут) бўйича кузатиш ишларини олиб бориш.

11. Ўзбекистон Республикаси билан чегарадош давлатлар билан чегара ҳудудларида, халқаро почтамп ва аэропортларда, темир йўл станцияларида, дарё портларида ҳамда импорт юк келиб тушадиган масканларда 3 км.гача жойлашган ташкилотлар, шахсий томорқалар ва транспорт бирликларида ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг қўйидаги тартибда юритилади:

йил бошидан мазкур субъектларнинг рўйхати шакллантирилиб, мониторинг юритиш бўйича йиллик иш режалар тузилади;

назорат давомида карантиндаги ва бошқа хавfli объектлар аниқланган тақдирда, белгиланган зарарсизлантириш чоралари амалга оширилади, аниқланмаган тақдирда, универсал феромон тутқичлардан фойдаланилади;

ўсимликлар мавжуд бўлган майдонларда ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш бўйича экин майдонларнинг контурлари кесимида мониторинг юритилади;

ўсимликлар карантини давлат инспекторлари олиб борган дала мониторинги тўғрисида ҳисоботлар топширади;

ҳисоботлар асосида мониторинг натижалари таҳлил қилиниб, ҳудудлар зарарли организмлар миқдори кам бўлган ёки зарарли организмлардан холи бўлган ҳудудларга ажратилади.

12. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг очиқ ва ёпиқ майдонларда қўйидаги тартибда юритилади:

дала мониторингини юритиш учун йил бошида йиллик иш режалар тузилади;

ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан ташкилотлар, шахсий томорқалар, очиқ ва ёпиқ иссиқхоналар, кластер, дехқон ва фермер хўжаликлари далалари, ўрмон хўжалиги фонди ерларида, ободонлаштириш бошқармаси назоратидаги ерларда, уруғчилик хўжаликларида, нав синаш участкаларида, кўчатхоналарда, илмий-текшириш муассасаларида, савдо ва тайёрлов ташкилотларида зарарли организмларни аниқлаш бўйича мониторинг олиб борилади;

ўсимликлар мавжуд бўлган майдонларда ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш бўйича хўжаликларнинг контурлари кесимида таҳлил юритилади;

ўсимликлар карантини давлат инспекторлари олиб борилган дала мониторинги тўғрисида ҳисоботлар топширади;

ҳисоботлар асосида мониторинг натижалари таҳлил қилиниб, ҳудудлар фитосанитар тоза ва зарарли организмлар миқдори кам бўлган ёки зарарли организмлардан холи бўлган ҳудудларга ажратилади.

13. Ўсимлик маҳсулотлари қайта ишланадиган ва реализация қилинадиган жойлар ҳамда омборхоналар мониторинги қўйидаги тартибда юритилади:

ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш учун йил бошидан ташкилотлар рўйхати шакллантирилиб, йиллик иш режалар тузилади;

ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан ўсимлик маҳсулотлари қайта ишланадиган ва реализация қилинадиган жойларда ўсим-

ликлар карантинидаги зарарли организмлар уларнинг биоэкологик хусусиятларидан келиб чиқиб аниқланади ва мониторинг юритилади, шунингдек ҳисоботлар топшириб борилади;

ҳисоботлар асосида мониторинг натижалари таҳлил қилиниб, ўсимлик маҳсулотлари қайта ишланадиган ва реализация қилинадиган жойлар фитосанитар тоза ва зарарли организмлар миқдори кам бўлган ёки зарарли организмлардан холи бўлган ҳудудларга ажратилади.

14. Ўсимликлар карантини ташқи мониторинги ўсимликлар карантини объектларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига кириб келишига, тарқалишига ҳамда ўсимликлар карантини объектларига қарши курашишда лозим бўлган тегишли чора-тадбирларни ўз ичига олади ва улар қўйидагилардан иборат:

ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан қўшни давлатлар билан чегара ҳудудларида, халқаро почтамт ва аэропортларда, темир йўл станцияларида, дарё портларида ҳамда импорт юк келиб тушадиган масканларда 3 кмгача радиусда жойлашган ташкилотлар ва шахсий томорқаларда, кластер, деҳқон ва фермер хўжаликлари далаларида, ўрмон хўжалиги фонди ерларида, уруғчилик хўжаликларида, нав синаш майдонларида, кўчатхоналарда, савдо ва тайёрлов ташкилотлари ҳудудларида ўсимликлар карантини объектларини аниқлаш бўйича таҳлилий маълумотлар тайёрлаш;

Ўзбекистон Республикаси учун карантин аҳамиятига эга бўлган зарарли организмлар рўйхатидаги ўсимликлар карантини объектлари бўйича таҳлил олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси ва чет давлатлар ҳудудлари фитосанитар ҳолати тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш;

экспортёр давлатнинг фитосанитар сертификатини таҳлил қилиш;

чет мамлакатлардан келтирилиб, республика ҳудудида экилган кўп йиллик экиш материалларининг фитосанитар ҳолати бўйича беш йилгача кузатув ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига импорт қилинаётган карантин остидаги маҳсулотларнинг фитосанитар ҳолатини ўсимликлар карантини давлат инспекторлари томонидан жойига бориб ўрганиб келганлиги тўғрисидаги ҳисоботлари асосида таҳлил қилиш;

импорт қилинаётган карантин остидаги маҳсулотларни Инспекция тизимидаги ўсимликлар карантини лабораториялари хулосалари асосида таҳлил қилиш.

Инспекция томонидан ушбу ташқи мониторинг натижалари асосида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ўсимликлар карантини объектлари кириб келиши ва тарқалиш йўллари ҳамда уларга қарши курашиш чора-тадбирлари белгилаб борилади.

15. Қишлоқ хўжалиги ўсимликлари, доривор ўсимликлар, дарахт ва буталар етиштириш, ўсимликларнинг янги навлари селекцияси билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар ўсимликлар карантини объектларини ўз вақтида аниқлаш мақсадида экинлар ва дарахтларни тизимли равишда

кузатиб боришни амалга ошириши, улар аниқланган тақдирда эса бу ҳақда маҳаллий давлат ҳокимияти органларини, ўсимликлар карантини бўйича давлат хизматини дарҳол хабардор қилиши, шунингдек аниқланган ўсимликлар карантини объектларини бартараф этиш бўйича чоралар қўриши шарт.

16. Илмий-текшириш муассасалари томонидан тегишли вазирлик, идора ва туман, вилоят, республика даражасидаги бошқа ташкилотлар ходимлари билан келишилган ҳолда (прогноз гуруҳлари) ўсимликлар карантинидаги зарарли организмлар, касалликлар ва бегона ўтларнинг тарқалиши бўйича прогноз тузилади.

Прогнозни ҳисобга олган ҳолда, келгусида бундай зарарли организмлар қай даражада тарқалишидан қатъи назар, уларга қарши профилактик ишловлар (уруғ ва экиш материалларини экишдан аввал дорилаш, дарахтларга ва дала чеккаларига эрта баҳорда ишлов бериш ва бошқалар) бериш режалаштирилади.

17. Ўсимликлар карантини объектлари аниқланган ҳолларда туман (шаҳар) ўсимликлар карантини давлат инспекторининг тақдимномасига кўра маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари билан фермер ва деҳқон хўжалиқларининг, ўрмон хўжалиқларининг ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг ер участкалари, темир йўл станциялари, аэропортлар, дарё портлари, шаҳарчалар, посёлкалар, қишлоқлар, овуллар, шунингдек уларга туташ ҳудудлар ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинади ёки уларда зарур карантин чекловлари ўрнатилади.

Туманлар ва шаҳарларни ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш ёки карантин чекловларини ўрнатиш тегишли ўсимликлар карантини бош давлат инспекторларининг тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг қарорлари билан амалга оширилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг, вилоятларнинг ва Тошкент шаҳрининг ҳудудларини ўсимликлар карантини остида деб эълон қилиш ёки карантин чекловини ўрнатиш Ўзбекистон Республикаси Ўсимликлар карантини бош давлат инспекторининг тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан амалга оширилади.

Ўсимликлар карантини остида деб эълон қилинган ҳудудда ўсимликлар карантини ўчоғининг тарқалишига йўл қўйилмайди, унга туташ ҳудудларда ўсимликлар карантини объектлари тарқалишининг олдини олишга ва уларни йўқ қилишга қаратилган ўсимликлар карантинига доир тадбирлар ўтказилади.

3-боб. Фитосанитар дала назоратини ташкил этиш ва амалга ошириш

18. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг юритиш ва фитосанитар дала назоратини амалга ошириш ушбу Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

19. Фитосанитар дала назорати ўсимликларнинг ва ўсимлик маҳсулотининг фитосанитар тозалигини таъминлаш, уларда ўсимликлар карантини объектларининг мавжудлигини ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида амалга оширилади.

20. Мониторинг натижалари асосида чораклик режалар тузилади ва ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан фитосанитар дала назорати амалга оширилади.

21. Ўзбекистон Республикаси учун ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларни дала назоратида аниқлаш қўйидаги тартибда амалга оширилади:

кишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган майдонлардаги тупроқда зарарли организмларни аниқлашда зарарли организм ривожланишидан ва тупроқда учратилишидан келиб чиқиб, тупроқнинг турли чуқурликларидан намуналар олинади ва дала шароитида энтомологик элак, қисқич, лупа, бинокуляр ва бошқа анжомлар орқали кузатиш усули билан назоратдан ўтказилади ёки тупроқни энтомологик экспертизадан ўтказиш мақсадида ўсимликлар карантини лабораторияларига юборилади;

ўсимликларни сақлаш, реализация қилиш жойларида ва вегетация даврига қараб ўсув (вегетатив) нуқтаси, илдизи, пояси, гули, меваси ҳамда уруғида зарарли организмларни аниқлашда лупа, маҳсус қайчи, пичок, қисқич, ҳашарот солгич ва бошқа анжомлар орқали кузатиш усули билан назоратдан ўтказилади;

карантин остидаги маҳсулотларда флотацион (дондаги зараркунандаларни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган усул) ва бошқа усуллар орқали дон, дуккакли экин ва бошқаларда яширин зарарланганликни аниқлашда намуналарни тузли сувга солиб, натижада юзага қалқиб чиққан зарарланган донларни ажратиб олиш ва улардан зараркунандалар турини аниқлаш амалга оширилади;

ўсимликлар ва ўсимлик маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхоналарда, омборхоналарда, реализация қилиш жойларида, очиқ ва ёпиқ турдаги далаларда феромон ва бошқа турдаги ҳашарот тутқичлардан фойдаланиб зарарли организмларнинг ўчоқлари аниқланади.

22. Ўсимликларнинг карантинидаги бегона ўтларни ва уларнинг уруғларини аниқлаш қўйидагича амалга оширилади:

ўсимликлар карантинидаги бегона ўтларни морфологик белгиларидан келиб чиқиб, кузатиш усули билан турлари аниқланади;

ўсимликлар карантинидаги бегона ўтларнинг уруғларини ажратиб-кузатиш ва таққослаш усули орқали уруғлар қисмларга ажратилиб, текшириладиган маҳсус юзали мосламада бир текис ёйилади ва турли хил ўлчамдаги элаklar, бинокуляр микроскоп, лупа ва бошқа анжомлар ёрдамида бегона ўт уруғлари ажратиб олиниб, турларга бўлинади;

фитосанитар дала назорати даврида аниқлаш имкони бўлмаган ўсимликлар карантинидаги бегона ўтлар ва уларнинг уруғларини турига аниқлик киритиш мақсадида ўсимликлар карантини лабораторияларига юборилади.

23. Ўсимликлар карантини давлат инспектори ўз фаолиятининг қону-

нийлиги, ҳолислиги ва қонун ҳужжатларига мувофиқ тўғри ташкил қилиниши ҳамда амалга оширилиши учун жавоб беради.

24. Фитосанитар дала назорати амалга оширилишига ёки уни амалга оширувчи ўсимликлар карантини давлат инспекторига ҳар қандай шаклда таъсир ўтказиш, унинг фаолиятига тўсқинлик қилиш тақиқланади.

25. Қонуний талабларни бажармаганликда, ўсимликлар карантини давлат инспектори томонидан хизмат мажбуриятлари бажарилишига тўсқинлик қилувчи айбдор шахслар белгиланган тартибда жавоб берадилар.

26. Фитосанитар дала назорати олиб борилаётганда, ўсимликлар карантини давлат инспектори қуйидаги ваколатларга эга:

а) карантин остидаги маҳсулотни етиштириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиниш, қайта ишлаш ҳамда реализация қилиш билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудига монеликсиз кириш;

б) карантин лаборатория текширувлари ва тегишли экспертиза ўтказиш учун карантин остидаги маҳсулотдан юридик ва жисмоний шахслар ёки уларнинг вакиллари иштирокида намуналар олиш;

в) ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларининг бузилиши ҳолатларини уч кунлик муддатда бартараф қилиш бўйича юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан далолатнома расмийлаштириш;

г) ўсимликлар карантини қоидалари ва фитосанитария талабларини бузган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги материалларни судларга юбориш;

д) қуйидагиларни:

лаборатория тадқиқотлари ва таҳлиллари учун зарур бўлган намуна ва нусхаларни олиш далолатномаларини;

юридик ва жисмоний шахслар томонидан ўсимликлар карантини бўйича қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиниши, давлат дастурлари ва бошқа фитосанитар дастурларининг амалга оширилиши бўйича ўтказилган текшириш натижаларига кўра далолатномалар ёки маълумотномалар;

ўз ваколатларига мувофиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённомалар тузиш.

Фитосанитар дала назорати ўтказилганидан кейин далолатнома тузилади ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар белгиланади.

27. Карантин лаборатория текширувлари ва тегишли экспертиза ўтказиш билан боғлиқ харажатлар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобидан қопланади.

28. Ўсимликлар карантини давлат инспектори:

текшириладиган хўжалик юритувчи субъектларга текшириш ўтказиш ҳуқуқи учун зарур бўлган ҳужжатларни кўрсатишга;

хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмасликка; давлат сирлари, тижорат сирлари ва бошқа сирларни ошкор қилмасликка;

текширишлар натижасини далолатнома билан расмийлаштиришга, унинг бир нусхаси текшириш тамом бўлган кунда текширилган хўжалик юритувчи субъектда қолдиришга;

Ўсимликлар карантини давлат инспекторлари фарқлаш белгили формали кийим-бошларини иш фаолияти давомида мавсумий кийишга мажбурдир.

29. Ўсимликлар карантини объектлари фитосанитар дала назорати вақтида, шунингдек, ўсимликлар маҳсулотлари қайта ишланадиган ва реализация қилинадиган жойлар ҳамда омборхоналарда мониторинг ўтказилиши давомида аниқланади.

4-боб. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати натижаларини расмийлаштириш ҳамда амалга ошириш

30. Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати натижалари бўйича бир кун ичида далолатнома тузилади ҳамда амалга оширилиши зарур бўлган тадбирлар белгиланади.

Ўсимликлар карантини соҳасида мониторинг ва фитосанитар дала назорати натижалари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа усуллар билан ҳам расмийлаштирилиши мумкин.

31. Ўсимликлар карантини мониторинги натижаларига кўра, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар ижроси юзасидан мунтазам назорат ўрнатилади.

32. Ўрнатилган карантин чекловлари Инспекция ва унинг ҳудудий инспекциялари томонидан назоратга олинади.

Ўрнатилган карантин чекловлари юзасидан жамоатчилик назорати талаб этилган тақдирда, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролар жалб этилиши мумкин.

5-боб. Яқунловчи қоида

33. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**27** **Органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар ўрнатиш шакли ва тартиби тўғрисида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари халқаро стандартларга мувофиқлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 18 майдаги ПФ–5995-сон Фармони ижроси юзасидан, шунингдек, органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар ўрнатиш шакли ҳамда тартибини жорий этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Органик маҳсулотлар етиштиришда ва уларни йиғиб олишда ер майдонларига қўйилган талабларни, шунингдек, органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар ўрнатиш шакли ҳамда тартибини назарда тутувчи Органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар ўрнатиш шакли ҳамда тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда туманлар (Қувасой шаҳар) ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳамда Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси 2021 йилдан бошлаб:

а) ҳар йили 1 октябрга қадар:

органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ҳамда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик маҳсулотларини йиғиб олувчи хўжаликлар ер майдонларининг манзилли рўйхатини шакллантирсин;

органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик маҳсулотларини йиғиб олувчи хўжаликлар ер майдонларининг охириги уч йил учун статистик таҳлил натижалари ва топографик жойлашувини ўрганиш, тупроқ, сизот ва оқова сувлар сифати ҳамда хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича лаборатория таҳлилларини ўтказиш чораларини кўрсин;

б) мунтазам равишда органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжаликлар ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик маҳсулотларини йиғиб олувчи хўжаликлар ер майдонларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари анъанавий усулда етиштириладиган ер майдонларидан ажратиб турувчи белги ва кўрсаткичларни ўрнатиш, шунингдек, экспортбоп ва сердаромад органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш чораларини кўрсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожланти-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 январда эълон қилинган.

риш масалалари бўйича ўринбосари Ш.М. Фаниев ва Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 22 январь,
33-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 22 январдаги 33-сон қарорига
ИЛОВА

**Органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар
ўрнатиш шакли ва тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом органик ер майдонларига белги ва кўрсаткичлар ўрнатиш шакли ҳамда тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомнинг қоидалари органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик маҳсулотларини йиғиб олувчи хўжаликларга нисбатан татбиқ этилади.

3. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

белги — органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олиш учун танланган ер майдони ҳамда мазкур ер майдонида фаолият юритувчи хўжалик тўғрисидаги кўрсаткичларни ўз ичига олган маълумотлар пешлавҳаси;

кўрсаткич — органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олиш учун танланган ер майдони ҳамда мазкур ер майдонида фаолият юритувчи хўжалик тўғрисидаги умумлаштирилган тавсифи;

органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олишга танланган ер майдони — органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларни етиштириш ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олишга мўлжалланган ер майдонининг белгиланган талабларга мувофиқлиги;

органик ер майдонлари — мувофиқлик сертификатига эга бўлган, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирадиган ёки ёввойи ҳолда ўсган ўсимликлар йиғиб олинган ер майдонлари;

органик маҳсулот — ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва савдо қилишнинг барча босқичларида миллий органик стандарт талабларига мувофиқ бўлган ишлаб чиқариш технологияларини қўллаш орқали олинган маҳсулот;

тупроқ ва сув таркибини таҳлил қилиш — органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ҳамда ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олувчи хўжалик ер майдонларининг сўнгги уч йиллик статистик таҳлил натижаларини ҳамда топографик жойлашувини ўрганиш, тупроқ таркибини, сизот ва оқова сувларнинг сифатини лабораторияда таҳлил қилиш.

2-боб. Органик маҳсулотлар етиштиришда ва йиғиб олишда ер майдонларига қўйиладиган талаблар ҳамда белги ўрнатиш тартиби

4. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олиш билан шуғулланувчи хўжаликнинг танланган ер майдонида фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқловчи ҳужжатларни мувофиқликни баҳолаш органига тақдим этади.

5. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олувчи хўжаликнинг ер майдонидаги тупроқ таркибидаги сизот ва оқова сувларнинг сифати (минераллашув) таҳлил қилинади.

6. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун ер майдонини танлашда охириги уч йилда шу майдонда экилган қишлоқ хўжалиги экин турлари, қўлланилган агротехник тадбирлар, берилган минерал ўғитлар турлари ва микдори (қолдик) ўрганиб чиқилади.

7. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга танланган ер майдонининг атрофида анъанавий усулда етиштирилган қишлоқ хўжалиги экинларининг тури, суғориш тизими, ер майдони чегараларида ихота-зорлар барпо этиш магистрал канал ва автомобиль йўллари билан оралик масофани ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинади.

8. Тупроқнинг физик-механик, кимёвий, микробиологик ва агрокимёвий таркиби лабораторияда таҳлил қилинади.

9. Республикада камайиб бораётган ва муҳофазага олинган ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Қизил китобига киритилган ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимлик турларини йиғиб олишга рухсат берилмайди.

10. Танланган ер майдонида тупроқ таркиби, иқлим шароитини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинлари бир йиллик ёки кўп йиллик турларга қараб жойлаштирилади.

11. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга танланган ер майдони бўйича барча таҳлил натижалари ижобий бўлган тақдирда хўжалик томонидан мазкур ер майдонининг кириш йўлагига органик қишлоқ хўжалигига ўтиш даврини билдирувчи қуйидаги кўрсаткичлар ўзида акс эттирган белги ўрнатади:

- ер майдонига эгалик қилувчи хўжалик номи;
- хўжалик жойлашган жой (почта манзили);
- хўжалик раҳбарининг Ф.И.О.;

умумий ер майдони харитаси, гектар, органик ер майдони гектари, контури;

етиштириладиган органик қишлоқ хўжалиги маҳсулоти номи;

қишлоқ хўжалиги экин турларидан келиб чиқиб, органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришга (боғ, узумзор, техник ва озиқ-овқат экинлари ҳамда озуқабоп ем-хашак экинлари) ўтиш даврининг муддати;

радиуси 3 км дан кам бўлмаган асаларичилик хўжалиги ҳудудининг харитаси ҳамда асалари уяларини ҳудуддан ҳудудга кўчириш талаб этилса, кўчиш ҳудудларининг хариталари (асаларичилик хўжаликлари учун);

чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари иншоотларининг ер майдонида (гектар) жойлашув схемаси ҳамда яйловлар харитаси кўрсатилган белги.

12. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олувчи хўжалик мурожаатига кўра, мувофиқликни баҳолаш органи томонидан берилган органик мувофиқлик сертификатига асосан танланган ер майдонига ўрнатилган белгида органик ўтиш даври белгиланмайди.

13. Ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олиш жараёнига органик мувофиқлик сертификати олган хўжалик органик ер майдонининг кириш чегарасига қуйидаги кўрсаткичларни ўзида акс эттирган белгини ўрнатади:

органик маҳсулотлари йиғиб олинадиган хўжалик номи;

хўжалик раҳбарининг Ф.И.О.;

ер майдонининг харитаси, майдони (гектар);

йиғиб олинадиган маҳсулот номи;

мувофиқликни баҳолаш идораси номи (телефон рақами ва электрон почта манзили);

органик мувофиқлик сертификатининг рақами ва амал қилиш муддати.

14. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи хўжалик томонидан органик қишлоқ хўжалигига ўтиш муддатини билдирувчи белгида кўрсатилган маълумотга ўтиш муддати тугагунга қадар ўзгартириш киритилмайди.

15. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш жараёнига мувофиқликни баҳолаш органи томонидан берилган органик мувофиқлик сертификатига асосан хўжалик томонидан органик ер майдонининг кириш йўлагига қуйидаги кўрсаткичларни ўзида акс эттирган белги ўрнатилади:

ер майдонларига эгалик қилувчи хўжалик номи;

хўжалик раҳбарининг Ф.И.О.;

ер майдонининг харитаси, майдони (гектар);

етиштириладиган маҳсулот номи;

хўжалик жойлашган жой (почта манзили);

мувофиқликни баҳолаш органи номи (телефон рақами ва электрон почта манзили);

органик мувофиқлик сертификатининг рақами ва амал қилиш муддати.

3-боб. Яқунловчи қоидалар

16. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ёки ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олиш ишлари билан боғлиқ харажатлар ушбу фаолият билан шуғулланувчи хўжалик маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

17. Органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва ёввойи ҳолда ўсувчи ўсимликларни йиғиб олиш жараёнларида юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ****28 Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари» отрядлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида***

«Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талабларини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда фуқароларнинг ихтиёрий асосда иштирокини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари» отрядлари тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари» отрядларининг (кейинги ўринларда — «Чегара посбонлари» отрядлари) вазифалари ва фаолиятини ташкил этиш асослари;

«Чегара посбонлари» отрядлари аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда уларни рағбатлантириш тартиби.

2. «Чегара посбонлари» отрядлари аъзоларига тўланадиган ойлик тўловлар Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари томонидан амалга оширилиши ва ушбу харажатлар Давлат хавфсиз-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 23 январда эълон қилинган.

лик хизмати Чегара қўшинларига ажратиладиган бюджет маблағлари ҳисобидан қопланиши белгилансин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари» отрядлари ўз фаолиятини амалга ошириши учун чегара олди ҳудудларда жойлашган давлат муассасаларида зарур хоналар ажратиб, маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан уларнинг мебель ва бошқа моддий-техник воситалар билан жиҳозланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов, Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Азизов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 23 январь,
35-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 23 январдаги 35-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати
Чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари»
отрядлари тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом «Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари» отрядларини (кейинги ўринларда — кўмаклашувчи отряд), ташкил этиш асослари, уларнинг вазифалари, таркиби, фаолиятини ташкил этиш тартиби, уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, кўмаклашувчи отряд аъзоларини рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш тартибини белгилайди.

2. Кўмаклашувчи отряд ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорлари, кўмаклашувчи отрядлар фаолиятини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг (кейинги ўринларда — Давлат хавфсизлик хизмати) идоравий ҳужжатларига ҳамда ушбу Низомга мувофиқ амалга оширади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

кўмаклашувчи отряд — Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинлари (кейинги ўринларда — Чегара қўшинлари) томонидан Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини (кейинги ўринларда — Давлат чегараси) қўриқлаш ва ҳимоя қилиш учун ихтиёрий равишда жалб қилинган Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан ташкил этилган жамоатчилик тузилмаси;

кўмаклашувчи отряд сардори — доимий равишда Ўзбекистон Республикаси чегара олди ҳудудида истиқомат қилувчи отряд аъзоларидан тайинланиб, Чегара қўшинлари ҳарбий қисм бўлинма командирининг Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кўрсатмаларини бажарадиган шахс;

кўмаклашувчи отряд аъзоси — доимий равишда Ўзбекистон Республикаси чегара олди ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролардан танланиб, Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича кўмаклашувчи отряд сардори кўрсатмаларини бажарадиган шахс.

4. Фуқароларнинг кўмаклашувчи отряддаги иштироки уларни ўз фаолиятини бажаришдан ва Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида умумий ҳарбий мажбуриятни ўташдан озод қилмайди.

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда фаол иштирок этиб, ўзини ижобий томондан кўрсатган кўмаклашувчи отряд аъзолари Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида умумий ҳарбий мажбуриятни ўташи учун чақиртирилганида, Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командирлари томонидан кўмаклашувчи отряд аъзосига Чегара қўшинларида ҳарбий хизматни ўташга қобилиятлилиги ҳақида тавсиянома берилиши мумкин.

Кўмаклашувчи отряд аъзоларига Чегара қўшинларида ҳарбий хизматни ўташга қобилиятлилиги ҳақида тавсиянома бериш тартиби Давлат хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

2-боб. Кўмаклашувчи отрядларни ташкил этиш асослари ва уларнинг вазифалари

5. Кўмаклашувчи отрядлар чегара зонасида, Давлат чегарасига туташ туманларда истиқомат қилувчи фуқаролар, шунингдек, Давлат чегараси яқинида жойлашган муассаса, корхона ва ташкилотларда фаолият олиб бораётган ишчи ва хизматчилардан ташкил этилади.

Кўмаклашувчи отрядлар аъзолигига отрядга юкланган вазифаларни бажаришга ихтиёрий равишда иштирок этиш истагини билдирган, соғлом, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қиладиган 18 ёшдан 60 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари қабул қилинади.

Кўмаклашувчи отрядга номзодлар ташкилотчилик, кучли ирода, топқирлик, ташаббускорлик қобилиятларига ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари орасидан танланади.

6. Кўмаклашувчи отрядларга ўз турмуш тарзи билан аҳоли ўртасида салбий тавсифланганлар, руҳий касаллиги, гиёҳвандликка, сурункали ичкиликбозликка ружу қўйганлиги учун тегишли тиббиёт муассасалари ҳисобида турганлар ва Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг тергов бўлинмалари томонидан дастлабки тергов ва суриштирув ҳаракатлари олиб борилиши белгиланган жиноятларни содир этган шахслар қабул қилинмайди.

7. Қуйидагилар кўмаклашувчи отрядларнинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Давлат чегараси режимига, чегараолди режимига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимга риоя этилишини таъминлаш юзасидан чегараолди аҳоли пунктларида амалга ошириладиган тадбирларда Чегара қўшинлари назорати остида қатнашиш, белгиланган ҳудудларда кузатув олиб бориш ва фаолиятининг тунги вақтларида жамоат жойлари, маҳалла кўчалари ва чегараолди ҳудудлардаги қаровсиз жойларда тунги патруллик фаолиятида иштирок этиш;

Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, ундан қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар контрабандаси ва чегарадан олиб ўтилиши тақиқланган бошқа турдаги буюмлар, воситалар ва маҳсулотларни ўтказишга тайёргарлик кўрилаётган ҳолатлар тўғрисида Чегара қўшинларига хабар бериш;

Давлат чегараси режими, чегара режими ва Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузувчиларни қидириш ва уларни қўлга олишда Чегара қўшинларига кўмаклашиш;

чегараолди ҳудудларда аҳоли пунктларига олиб борувчи йўналишларини беркитишда қатнашиш;

фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда ички ишлар органлари ҳамкорлигида чегараолди ҳудудларда истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли орасида Давлат чегараси режими, чегараолди режими ва Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режим талабларига риоя этилишини ва чегара зонасида хавфсизликни таъминлаш, жамоатчилик тартибини сақлаш;

табиий офатлар, ёнғинлар ва бошқа фавқулодда вазиятларда фуқароларни қутқариш, уларнинг мол-мулкларини сақлаб қолиш, фавқулодда вазият хавфи туғилганда аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш ва ушбу ҳолатларни чегараолди ҳудудларда бартараф этишда кўмаклашиш;

чегараолди ҳудудларида ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш ҳамда аҳоли пунктлари-

да хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш мақсадида Чегара қўшинлари, ички ишлар органлари ва фавқулодда вазиятлар бўлинмалари томонидан ўтказиладиган ҳамкорликдаги профилактик-тарғибот тадбирлари ва тушунтириш ишларида иштирок этиш, Чегара қўшинлари таркибида муддатли ҳарбий хизматни ўташга ёшларни тайёрлашда тушунтириш-тарғибот тадбирларини амалга ошириш.

8. Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири ва унинг ўринбосарлари томонидан кўмаклашувчи отряд аъзоларини ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқа вазифаларни бажаришга жалб этиш тақиқланади.

3-боб. Кўмаклашувчи отряд аъзоларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

9. Кўмаклашувчи отряд аъзолари зиммасига юкланган вазифаларни бажаришда қуйидаги ҳуқуқларга эга:

чегараолди ҳудудларда ҳаракатланиб келаётган шахсларнинг ҳужжатларини текширишда Чегара қўшинларига кўмаклашиш;

Чегара қўшинлари ҳарбий қисм бўлинма командирлари томонидан юкланган вазифаларни бажаришда ҳамда олинган маълумотларни ўз вақтида етказишда, муассаса, корхона ва ташкилотларнинг хизмат алоқа (телефон) воситаларидан фойдаланиш;

чегараолди ҳудудда ҳаракатланаётган шахслардан режим қоидаларига ва жамоат тартибига амал қилишларини Чегара қўшинлари назорати остида талаб қилиш;

Давлат чегараси билан боғлиқ ноқонуний ҳаракатларни амалга оширган ҳуқуқбузарлар, жиноят содир этишда гумон қилинганлар ҳамда шубҳали шахслар ҳусусида Чегара қўшинларини хабардор қилиш.

Кўмаклашувчи отряд, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

10. Кўмаклашувчи отряд аъзолари қуйидагиларга мажбур:

Чегара қўшинларига Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда кўмаклашиш ҳамда амалий ёрдам кўрсатиш;

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, ушбу Низом талабларига қатъий амал қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда, Чегара қўшинлари ҳарбий қисм бўлинма командирлари ва кўмаклашувчи отряд сардорларининг талабларини аниқ, сидқидилдан ва виждонан бажариш;

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш бўйича вазифани бажариш вақтида кўмаклашувчи отряд аъзолиги гувоҳномасини ўзининг ёнида олиб юриш.

Кўмаклашувчи отряд, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Кўмаклашувчи отряд аъзоларининг фаолиятини ташкил этиш

11. Кўмаклашувчи отряд, чегараолди ҳудуднинг географик жойлашуви, ҳудуддаги вазият ва заруратдан келиб чиққан ҳолда, Чегара қўшинлари ҳарбий қисм бўлинмалари ҳузурида 1 нафар сардор ва 9 нафаргача бўлган отряд аъзоларидан иборат таркибда ташкил этилади.

Кўмаклашувчи отряд аъзолигига қабул қилишда меҳнат шартномаси тузилмайди ва иш стажи ҳисобланмайди.

12. Кўмаклашувчи отрядга қабул қилиш ва рўйхатдан чиқариш Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командирининг буйруғи асосида амалга оширилади.

13. Кўмаклашувчи отрядга қабул қилиш фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати нусхасини илова қилган ҳолда Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири номига тақдим қилган ёзма мурожаати асосида қабул қилинади.

Мурожаат келиб тушган кундан бошлаб бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилиб, номзодни кўмаклашувчи отряд аъзолигига қабул қилиш ёки қилмаслик масаласи ҳал қилинади.

Агарда номзод бўйича ижобий қарор қабул қилинмаса, унга жавоб хатида рад этиш сабаблари кўрсатилмайди.

14. Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командирининг фуқарони кўмаклашувчи отрядга қабул қилинганлиги тўғрисидаги буйруғи имзолангандан сўнг, унинг кўчирмаси кўмаклашувчи отряд аъзосининг асосий иш жойининг иш берувчисига юборилади.

15. Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири томонидан кўмаклашувчи отряд аъзоларига гувоҳнома берилади. Кўмаклашувчи отряд аъзоларига бериладиган гувоҳнома шакли ва уни бериш тартиби Давлат хавфсизлик хизмати томонидан белгиланади.

16. Кўмаклашувчи отряд аъзолари фаолиятини Чегара қўшинлари ҳарбий қисм бўлинма командирлари томонидан ишлаб чиқилган режалар асосида амалга оширади.

Режада қуйидаги тадбирлар назарда тутилиши мумкин:

ўзларига белгиланган ҳудудда вазиятни мунтазам кузатиб бориш;

Давлат чегараси режими, чегараолди режими ва Ўзбекистон Республикаси орқали ўтказиш пунктларидаги режим қоидаларига риоя қилинишни таъминлаш ва чегара-қидирув тадбирларида Чегара қўшинлари назорати остида иштирок этиш.

Кўмаклашувчи отрядлар Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш фаолияти доирасида қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа тадбирларга ҳам жалб қилиниши мумкин.

17. Кўмаклашувчи отряд сардори кўмаклашувчи отряд аъзоларининг Давлат чегарасини кўриқлаш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ фаолияти яқунлангандан сўнг унинг натижалари бўйича ҳамда бириктирилган ҳудуддаги вазият хусусида уч соат ичида Чегара қўшинлари ҳарбий қисм бўлинма командирига ҳисобот беради.

18. Кўмаклашувчи отряд аъзоларини ўқитиш, фаолиятини амалга ошириш давомида уларга йўриқнома ўтказиш улар фаолият олиб бораётган ҳудудда жойлашган Чегара қўшинлари ҳарбий қисм бўлинмасида амалга оширилади.

Бир неча кўмаклашувчи отряд фаолиятининг умумий натижалари бўйича йиғилишлар ўтказиш ва уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш улар фаолият олиб бораётган ҳарбий қисмда ташкил қилинади.

19. Кўмаклашувчи отряд аъзолари асосий иш фаолиятларидан бўш вақтларида Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда иштирок этадилар.

20. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда, зарурат туғилганда, кўмаклашувчи отряд аъзолари ўзларининг асосий иш жойи иш берувчиси розилиги асосида фаолиятдан йил давомида жами ўттиз иш кунидан ошмаган ҳолда вақтинча озод қилинади ва бунда уларнинг иш стажи ҳамда ўртача ойлик маоши ўз ҳолича сақланиб қолинади.

Бунда Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири томонидан кўмаклашувчи отряд аъзосининг асосий иш жойига хизмат хати тақдим қилинади.

21. Ўз вазифасини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган, фаолияти салбий баҳоланган, конунга зид хатти-харакатлар содир этган ва ўз хоҳиши билан кўмаклашувчи отряд аъзолигидан бўшатилишини сўраб мурожаат қилган кўмаклашувчи отряд аъзоси тегишли буйруқ асосида отряд таркибидан чиқарилади, унинг гувоҳномаси олиб қўйилади ҳамда бу ҳақда унинг асосий иш жойига хабар берилади.

22. Кўмаклашувчи отряд аъзоси иш, яшаш ёки ўқиш жойини ўзгартирганлиги муносабати билан отряд таркибидан чиқарилганда, унинг мурожаати ва Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командири томонидан аввал берилган тавсифнома асосида янги иш, яшаш ёки ўқиш жойидан қайтадан отряд аъзолигига қабул қилиниши мумкин.

23. Кўмаклашувчи отряд таркибига қабул қилинаётган ва чиқарилаётган аъзолар ҳисоби Чегара қўшинлари ҳарбий қисм бўлинма командирлари томонидан юритилади.

5-боб. Кўмаклашувчи отряд аъзоларини рағбатлантириш ва ижтимоий ҳимоялаш

24. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишни таъминлашда амалий ёрдам ва кўмак кўрсатганлиги учун кўмаклашувчи отряд аъзоларига қуйидагича ойлик тўловлари белгиланади:

кўмаклашувчи отряд сардорларига — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,41 бараваригача бўлган миқдорда;

кўмаклашувчи отряд аъзоларига — меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 1,06 бараваригача бўлган миқдорда.

Кўмаклашувчи отряд аъзоларига ойлик тўловлар Давлат хавфсизлик хизматининг идоравий ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

25. Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилишда фаол иштирок этиб,

ўзининг фаолиятида яхши натижаларга эришган кўмаклашувчи отряд аъзолари қўйидагича тақдирланади:

Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш, фуқаролар осойишталигини таъминлаш, жамоат тартибини сақлаш, шунингдек, жиноят ва бошқа турдаги ҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларни аниқлаш ҳамда ўзига юкланган вазифаларни бажаришда юксак натижаларга эришганлиги ва ўрнатилган кўрсаткичларига эришганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат мукофотларига тавсия этилади;

кўмаклашувчи отряд аъзосининг иш жойига хабар берган ҳолда унга миннатдорчилик эълон қилинади;

Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командирларининг ваколати доирасида фахрий ва мақтов ёрликлари, қимматбаҳо совға ҳамда пул мукофотлари берилади.

26. Кўмаклашувчи отряд аъзоларини рағбатлантириш тадбирлари тантанали равишда, чегараолди ҳудудда жойлашган маҳалла фуқаролар йиғинларида бошқа кўмаклашувчи отряд аъзолари иштирокида ёки улар фаолият юритадиган муассаса, корхона ва ташкилотлар йиғилишларида ўтказилади.

27. Кўмаклашувчи отряд аъзолари, Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан уларга юкланган вазифаларни бажариш вақтида ҳалок бўлган ёхуд оғир тан жароҳати олган тақдирда, амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Давлат хавфсизлик хизмати идоравий ҳужжатлари асосида унга ва оила аъзоларига моддий ёрдам кўрсатилади.

6-боб. Яқунловчи қоидалар

28. Кўмаклашувчи отряд аъзоларига Давлат чегарасини қўриқлаш ва ҳимоя қилиш юзасидан ўтказиладиган тадбирларда Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командирининг руҳсати билан бўлинма командири томонидан радиоалоқа ва кузатув воситалари тақдим қилиниши мумкин.

29. Давлат чегарасида юзага келган заруратдан келиб чиқиб, кўмаклашувчи отряд аъзоларига Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командирлари қарорлари билан уларга бошқа турдаги техник воситалар вақтинча фойдаланиш мақсадида берилиши мумкин.

30. Чегара қўшинлари ҳарбий қисм командирлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва бошқа мутасадди ташкилот вакиллари ушбу Низом талабларига риоя этилишини таъминлайдилар.

31. Чегара қўшинлари ҳарбий қисм ва бўлинма командирлари кўмаклашувчи отряд аъзоларига қонунга хилоф топшириқлар берилмаслигини ҳамда уларни давлат сирини, ҳарбий сир ёки хизмат сирларини ташкил этувчи ҳужжатлар билан таништирилмаслигини таъминлайди.

32. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2021 йил 23 январдаги 35-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб эътироф этилаётган қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг Чегара қўшинларига кўмаклашувчи «Чегара посбонлари» отрядлари тўғрисида» 2014 йил 30 сентябрдаги 273-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2014 й., 40-сон, 497-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 5-сон, 126-модда) илованинг 75-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2018 йил 20 сентябрдаги 748-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 9-сон, 230-модда) илованинг 36-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2019 йил 28 декабрдаги 1046-сон қарорига илованинг 136-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ****29 Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шакллари-
ни тўлдириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча
киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил
19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-5*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 514-сон «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги тизимида самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2012 йил 23 октябрдаги 234-мх-сон буйруғи (рўйхат рақами 2397, 2012 йил 23 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 43-сон, 501-модда) билан тасдиқланган Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шакллари тўлдириш қоидаларига иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир**Р. ДАВЛЕТОВ**

Тошкент ш.,
2021 йил 18 январь,
288-мх-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2021 йил 18 январдаги
288-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шакллари
тўлдириш қоидаларига киритилаётган ўзгартириш ва
қўшимча**

1. 22-банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«22. 11 — 17 ва 20-устунлар қонуний никоҳда турган ота-онадан туғилган бола ота-онасининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар (паспорт, ҳарбий гувоҳнома) ва никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома асосида, никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома ёки маълумотнома тақдим этилмаганда аввалги болаларининг туғилганлиги тўғрисидаги далолатнома ёзувлари асосида тўлдирилади.»

2. 24-банднинг иккинчи хатбошиси «никоҳ тузилганлиги тўғрисидаги гувоҳномасига» деган сўзлардан кейин «ёки бу ҳақдаги маълумотномасига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

30 Профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг бошқа тоифаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 296-1

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26 августдаги 517-сон «Республика олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва бошқа тоифадаги ходимларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ, **буюраман:**

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2021 йил 19 январда эълон қилинган.

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан тасдиқланган Профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг бошқа тоифаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 296, 1996 йил 25 декабрь) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Олий ва ўрта махсус
таълим вазири**

И. МАДЖИДОВ

Тошкент ш.,
2021 йил 13 январь,
01-2021-сон

Келишилди:

Молия вазири

Т. ИШМЕТОВ

2020 йил 30 декабрь

*Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири*

Н. ХУСАНОВ

2020 йил 31 декабрь

*Ўзбекистон Касаба уюшмалари
Федерацияси раиси*

К. РАФИКОВ

2021 йил 7 январь

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат кўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги
маълумотни маълум қилади

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 18 январдаги 288-мх-сон «Фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувлари шаклларини тўлдириш қоидаларига ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги буйруғи.

2021 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2397-5.

2. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2021 йил 13 январдаги 01-2021-сон «Профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг бошқа тоифаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2021 йил 19 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 296-1.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан тасдиқланган Профессор-ўқитувчилар таркиби ва ходимларнинг бошқа тоифаларини бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан моддий рағбатлантириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси олий ўқув юртлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг асосий мезонлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 296, 1996 йил 25 декабрь).

2021 йил 19 январда давлат реестридан чиқарилди.

Мазкур ҳужжат қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

